БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР ҚОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-йил чиқиши
№ 83 (1861)
25 АПРЕЛЬ СЕШАНБА 1961 ЙИЛ
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Қишлоқ хўжалигини янада оғишмай юксалтириш коммунизм қуришнинг энг муҳим шартидир. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини бажариш учун курашингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1961 йил 1 Май Чақириқларидан).

## Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

24 апрелда Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VI пленуми бўлди. Пленум ишида область партия комитетларининг секретарлари ва область ижроия комитетлари раисларининг қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, шунингдек баъзи министрликлар ва бошқармаларнинг раҳбар ходимлари, саноат корхоналари ва совхозларнинг директорлари, колхоз раислари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, корхона ва колхоз партия ташкилотларининг секретарлари қатнашдилар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов**нинг «КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини бажаришнинг бориши ва Ўзбекистон ССР колхоз ҳамда совхозларининг 1961 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. А. Абдураззоқов,** Холдевонбек район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. Маҳсумов,** «Ҳазорбоғ» совхозининг директори ўртоқ **В. Т. Зибров,** Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Т. Қамбаров,** Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхози партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Д. Худойбердиев,** Ўзбекистон ССР Халк хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ **Н. В. Мартинов,** Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси ўртоқ **М. Хван,** Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Н. Маҳмудов,** Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ **О. А. Алимов,** Сурхондарё область партия комитетининг секретари ўртоқ **А. С. Пономарев,** Сталин районидаги Калинин номли колхознинг чўчқабоқари ўртоқ **Н. Г. Бабич,** Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ф. Шамситдинов,** «Узсельхозтехника» бирлашмасининг раиси ўртоқ **М. И. Кичанов,** Фрунзе районидаги Калинин номли совхоз бўлимининг бошқарувчиси ўртоқ **Э. Инъомова,** Бухоро область партия комитетининг секретари ўртоқ **Н. И. Белоусов** музокарага чиқдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленумда ташкилий масалалар кўрилди.

Ўртоқ М. А. Абдураззоқов Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан пленум уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари вазифасидан озод қилди. Пленум ўртоқ М. М. Мусахоновни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг составига киритди ҳамда уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси ва Марказий Комитет секретари қилиб сайлади. Ўртоқ Р. Ғ. Ғуломов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолигидан озод қилинди.

# КПСС XXII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

## *Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленумида қилган доклади*)*

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини бажаришнинг бориши ва Ўзбекистон ССР колхоз ҳамда совхозларининг 1961 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини амалга ошириш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

— КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари,— дейди Ш. Р. Рашидов,— Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги партиямиз Марказий Комитетининг ана шу қарорларини амалга ошириш соҳасидаги ғоят катта ташкилотчилик иши бутун мамлакатимизда омманинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини бениҳоя кучайтириб юборди.

Мамлакатимизнинг халқлари социалистик экономика, илғор совет фани ва маданияти эришган жуда катта муваффақиятлар билан ҳақли суратда фахрланмоқдалар.

Коммунизм барпо қилаётган улуғ Ватанимиз кўп авлодларнинг космосни забт этиш тўғрисидаги орзу-тилакларини рўёбга чиқарганлиги билан бахтиёрмиз. 1961 йил 12 апрель куни жаҳон тарихи йилномасига абадий ёзилиб қолади. Биз шу билан фахрланамиз, космосга биринчи бўлиб учган киши Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг граждани, Коммунистик партиянинг ва қаҳрамон халқимизнинг содиқ фарзанди Юрий Алексеевич Гагариндир.

Н. С. Хрушчев Москва Қизил майдонида сўзлаган оташин нутқида бундай деди: «Биз космосни забт этганлигимиз инсоният тараққиётидаги ажойиб босқичдир. Бу ғалаба Ленин ғояларининг янги тантанасидир, марксизм-ленинизм таълимотининг тўғрилигини исботловчи янги далилдир... Бу қаҳрамонлик ва шижоат мамлакатимизнинг коммунизм сари олға қилаётган зафарли ҳаракатида янги парвоз бошланганлигидан дарак беради».

Совет кишилари ва шу жумладан, Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари ҳам Ватанимизнинг буюк ғалабаларидан илҳомланиб, КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини муваффақиятли суратда амалга оширишга, етти йилликнинг учинчи йилини экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида янгидан-янги буюк муваффақиятлар билан нишонлашга ва КПССнинг навбатдаги XXII съездини муносиб кутиб олишга қатъий қарор берганлар.

КПСС Марказий Комитетининг ташаббуси билан ўртоқ Н. С. Хрушчев иштирокида қишлоқ хўжалик илғорлари зонал кенгашларининг ўтказилганлиги КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қўйган вазифаларни ҳал этишда ҳақиқатан ҳам жуда катта роль ўйнади. Бу кенгашлар илғор тажрибанинг, ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг чинакам мактаби бўлди ҳамда партия ва халқ бирлигининг ёрқин намойишига айланди.

КПСС Марказий Комитети марксизм-ленинизм улуғ таълимотига, омманинг тажрибасига таяниб, хўжаликни бошқариш юзасидан янги шароит ва янги вазифаларга муносиб бўлган янги, эпчил ва амалий форма ҳамда методларни ўз вақтида қидириб топмоқда. Қишлоқ хўжалик органларини қайтадан ташкил этиш ва такомиллаштириш юзасидан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан катта тадбирлар буни ёрқин исбот этувчи далилдир.

Буларнинг ҳаммаси коммунизм иши учун толмас курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг ленинча иш услубини очиқ-равшан кўрсатади.

Сўнгра, ўртоқ Рашидов айтадики, Совет Иттифоқидаги барча қардош республикалар каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини зўр мамнуният билан кутиб олдилар ва бу қарорларни мисли кўрилмаган зўр ғайрат, буюк ижодий ташаббус билан амалга оширишга киришдилар. Республиканинг саноат ва қурилиш, транспорт ва алоқа ходимлари биринчи квартал планларини бажардилар.

Республиканинг барча колхоз ва совхозларида илгари олинган мажбуриятлар қайтадан кўриб чиқилди ва 1961 йилда ҳамда етти йилликнинг шундан кейинги йилларида пахта, дон, гўшт, сут, сабзавот ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш тадбирлари белгиланди. Шу муносабат билан етти йиллик планга зарур тузатишлар киритиш мўлжалланди. Бу тузатишлар КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети муҳокамасига тақдим этилди.

Етти йиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши етти йилликнинг учинчи йилида қиладиган ишларимизнинг натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Биз бу йил республикада 3 миллион 200 минг тонна пахта, 737 минг тонна дон, 200 минг тонна луб экинлари пояси, 5 минг тонна тамаки, 639 минг тонна сабзавот, 352 минг тонна картошка, 589 минг тонна қовун-тарвуз, 345 минг тонна мева ва узум, 314 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 978,7 минг тонна сут, 22,9 минг тонна жун, 513 миллион дона тухум, неча юз минг доналаб қоракўл тери ва 14,6 минг тонна пилла тайёрлашимиз керак.

Бу мажбуриятларни бажариш — партия ташкилотимизнинг шарафли ишидир.

### ВАТАНГА 3 МИЛЛИОН 200 МИНГ ТОННА „ОҚ ОЛТИН“ ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорида Ўзбекистон ССРда бир қанча йиллар мобайнида пахта ҳосилдорлиги секин ўсмоқда деб жуда тўғри кўрсатиб ўтилди. Ўтган йили ҳам кўпгина колхоз ва совхозларда жуда паст ҳосил олинди, бунинг натижасида республика пахта тайёрлаш планини бажармади.

Кейинда қолаётган колхозларни ва совхозларни ўртача ва илғор колхозлар даражасига етказиб олиш, хўжаликларнинг ҳаммасида ҳосилдорликни бундан кейин ҳам ошириш ва экин майдонларини кенгайтириш—пахта етиштиришни кўпайтиришда асосий резервларимиздир. Деҳқончиликнинг юксак маданиятини жорий қилиш, комплекс механизация негизида прогрессив агротехника усулларини кенг қўлланиш — ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилидир.

Маълумки, чигит экиш ва уни бир текис ундириб олиш мўл ҳосил учун курашнинг энг муҳим босқичи ҳисобланади. Кўпгина колхозлар ва совхозлар КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини бажара бориб, экишга яхши ҳозирлик кўрдилар ва ҳозир чигит экишни уюшқоқлик билан, энг қулай агротехника муддатларида юқори сифатли ўтказишга муваффақ бўлдилар.

Андижон область пахтакорларининг экишни муваффақиятли ўтказиш соҳасидаги ютуқларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Улар қулай келган ҳар бир кун ва ҳатто соатдан моҳирлик билан фойдаланиб, чигит экишни тамомламоқдалар. Областда чигитни бир текис ундириб олиш учун кураш авж олиб кетди. Ягоналаш, бегона ўтларни ўтоқ қилиш, ёш ғўзани озиқлантириш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Лекин республикадаги кўпгина колхозлар, совхозлар ва районлар экишга анча кеч киришиб, вақтни қўлдан бой бериб қўйдилар. Шунинг натижасида республикада фақат 880 минг гектар майдонга чигит экилди ёки экиш плани 63 процент бажарилди. Бу эса, ўтган йилдагига қараганда 200 минг гектар майдонга чигит кам экилганлигини кўрсатади.

Республиканинг энг жанубидаги Сурхондарё области чигит экишни ҳалигача тамомлагани йўқ, бунга чидаб туриб бўладими, ахир. Бухоро области чигит экиш планини бор-йўғи 47 процент, Тошкент области 61 процент, Самарқанд области 35 процент бажарди. Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССР экишда бундан ҳам кейин қолмоқда.

Биз пахта учун курашнинг дастлабки кунларидаёқ комплекс механизациялаш ишида ўжарлик ва консерватизм сингари фактлар содир бўлаётганлигини кўрмоқдамиз. Бундай фактларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Чигитни квадрат-уялаб экиш планини бажаришда Тошкент области, шунингдек Кўқон, Норпой, Пастдарғом, Бухоро, Қоракўл, Қамаши, Яккабоғ, Шўрчи, Хазорасп, Хонқа, Беруний районлари ҳаддан ташқари орқада қолмоқда. Умуман Фарғона области, шунингдек Марҳамат, Учқўрғон, Ғузор, Термиз, Шаҳрисабз районлари ва шунга ўхшаш бир қанча бошқа районлар чигитни уяларга белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялкалар билан экиш планини бажармаётирлар.

Экишни бир кун ҳам, бир соат ҳам кечиктиришга ҳақимиз йўқ. Ҳар бир киши чигит экишни тезда тамомлаш учун, зиммамизга олинган мажбуриятларни бажариш учун ўз олдида улуғвор вазифа турганлигини чуқур англаши, ҳис қилиши керак.

Чигит экишни яқин кунлар ичида тамомлаш учун, Хоразмда ва Қорақалпоғистонда эса экишни 5-10 майдан кечикмай тамомлаш учун резервлар ва имкониятларнинг ҳаммасини ишга солиш керак. Шу билан бирга, дала ишларининг юқори сифатли бўлишини таъминлаш лозим. Бу ишда юзакичиликка йўл қўйиб бўлмайди, чигитни квадрат-уялаб экиш ва уяларга белгиланган миқдорда уруғлик ташлаб кетадиган сеялкалар билан экиш юзасидан олинган мажбуриятни албатта бажариш зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V пленумининг қарорларида бу йил янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта майдонини 50 минг гектар кенгайтириш кўзда тутилади. Бу—давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифадир.

Бу йил мамлакатга 3 миллион 200 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган юксак мажбуриятни ҳар қандай шароитда ҳам шараф билан бажариш учун партия ташкилотлари, биринчидан, ҳар бир гектарнинг тўла бўлишини таъминлашлари, иккинчидан, ғўзанинг ёшлигиданоқ то ҳосил пишгунча нормал ривожланиши учун қулай шароит яратиб беришлари, учинчидан, пахтачиликда техника тараққиётининг кўзда тутилган программасини амалга оширишлари керак.

**Тўла гектар** деган сўз экишни юқори сифатли ўтказишдан ва бутун майдондан яхши фойдаланиш, ҳар бир квадратметрдан яхши фойдаланиш деган сўзгина эмас, тўла гектар деганимиз чигитни барвақт бир текис ундириб олиш, ҳар бир уяда кўчатларнинг зарур миқдорда бўлишини таъминлаш ҳам демакдир. Лекин бу ҳам камлик қилади. Агар ҳамма кўчатлар соғлом бўлса, агар ягана ўз вақтида ўтказилса, кўчатларнинг ҳаммаси пахта йиғиб-териб олингунча тўла сақлаб қолинса, ўша тақдирдагина биз гектар тўла бўлди дея олишимиз мумкин.

Илғорларимиз — пешқадам колхозлар, совхозлар, бригадалар — бизнинг машъалларимиз кўчатнинг тезроқ униб чиқиши ва соғлом бўлиши, гектарларнинг тўла бўлишига эришиш учун экиш давридаёқ ҳаракат қиладилар. Улар ғўза парвариши ва ўсимликни барвақт озиқлантиришни кучайтириб юбормоқдалар.

Ваҳоланки, кўпгина районларда, колхозларда ва совхозларда экиш тамом бўлгандан кейин зарарли танаффус бошланди. Бу — жуда хавфли ҳолдир. Худди шу сабабли Тошкент, Бухоро, Фарғона областлари ва бошқа областлардаги бир қанча районлар ўтган йили планни бажармаган эдилар. Бундай қўпол хатони такрорлаш мумкин эмас.

Ҳар бир колхоз ва совхозда, ҳар бир бригадада, ҳар бир далада вақтни сира ўтказмасдан чигит қандай униб чиқаётганлигини текширишдан ўтказишни ташкил қилиш керак, табақалаштирилган агротехника тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш лозим, қатқалоқни дарҳол юмшатиш керак, лозим бўлган жойларда уяларга қўшимча чигит экиб, карталарнинг бурчагига, участкаларнинг ёқаларига ва ўқ ариқларнинг ёнига чигит экиб, ҳар бир уяда кўчатлар сонининг зарур миқдорда бўлишига эришиш керак.

Шу кунларда бизнинг ҳамма ишимиз шундай ташкил қилиниши керакки, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё областларида биринчи майгача, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро областларида бешинчи майгача, Хоразм областида ва Қорақалпоғистонда 15-20 майдан кечикмай чигитни бир текис ундириб олиш ва барча майдонларда ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш ишлари тамомлансин.

**Ғўзанинг нормал ривожланишини** таъминламоқ учун экинларни парвариш қилишни намунали ташкил этиш керак, техникадан, меҳнат ва моддий резервлардан моҳирлик билан фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини астойдил оширишга эришиш керак.

Бугунги кунгача атиги 5 минг 100 гектар майдонда трактор культивацияси ўтказилди, шу жумладан 2,6 минг гектар майдонда икки томонлама культивация қилинди, холос.

Ҳозирги вазифа — тракторларга культиваторлар осишни яқин кун ичида тамомлаб, механизмларнинг ишини моҳирлик билан ташкил қилишдан иборатдир. Энг асосий нарса шуки, кўндалангига ва узунасига ўтказиладиган культивациянинг сифатини кескин суратда яхшилаш лозим. Қўл меҳнати сарфини камайтириш учун механизация воситаларидан тўлароқ фойдаланиш керак.

Ғўзанинг нормал ривожланишига шароит яратиб бериш учун ўғитдан тўғри фойдалана билиш керак. Йирик совет олими академик Т. Д. Лисенко ўғитнинг асосий қисмини экишгача солиш зарурлигини, экиш билан бир маҳалда, барвақт муддатларда солиш зарурлигини кўп марта таъкидлаб ўтган эди. Бироқ, айрим раҳбарлар бу ҳақиқатни тушунишни хоҳламаяптилар. Бултур кўпгина колхоз ва совхозларда озиқлантириш кечикиб ўтказилди, бу — ғўзанинг ғовлаб кетишига, ҳосилнинг кеч етилишига олиб келди, пахта сифатининг ёмон бўлишига сабаб бўлди, машина теримини ўтказиш вақтида катта қийинчиликлар туғдирди. Афсуски, бу йил ҳам шудгор қилиш, экиш олдидан ва экиш билан бир маҳалда етарли миқдорда ўғит солинмади ва солинмаяпти. Энди йўл қўйилган камчиликни ғўзани ўсиш даврида усталик билан озиқлантириш, аввало ғўзанинг дастлабки парвариши даврида яхши озиқлантириш йўли билангина тузатиш мумкин. Экиш кечикиб кетганлигини ҳисобга олиб, биз бу йил ғўзани азот ўғитлари билан озиқлантиришни 1-5 июлдан кечиктирмаслик учун қўлдан келган ҳамма чораларни кўришимиз керак.

Яганалашни ўз вақтида ўтказишга алоҳида эътибор бериш зарур. Яганалашни кечга суриб бўлмайди, чунки ягананинг кечикиши ўсимликнинг яхши ўсмаслигига, ҳосилнинг паст бўлишига сабаб бўлади.

Мўл-кўл ҳосилни барвақт етиштириш учун ерни юмшоқ тутишнинг ўзигина кифоя қилмайди, балки ер бегона ўтлардан ҳам тоза бўлиши керак. Бу оддий ҳақиқатни, пахтачилик агротехникасининг бу алифбесини кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари, хусусан Тошкент, Бухоро, Фарғона областларидаги ва Қорақалпоғистон АССР даги хўжаликларнинг раҳбарлари унутиб қўймоқдалар.

Совет пахтакорларининг катта дўсти Никита Сергеевич Хрушчев бизни ғўза парваришининг оғирлигини машиналарнинг пўлат елкасига дадил қўйишга такрор-такрор чақирди. Ҳозирги замон техникаси, механизаторларимизнинг юксак маҳорати экинларни кетмон ишлатмасдан сифатли парвариш қилиш имконини беради. Ишланадиган зоналар кенгайтирилган ҳолда трактор билан икки томонлама культивация қилиш тупроқнинг яхши юмшашини ва бегона ўтларни кетмон чопиғисиз йўқотишни таъминлайди. Биз гербицидларни ҳали ишлатмас эканмиз, қўл меҳнати ҳиссасига уядаги бегона ўтларни юлиб олишгина қолади, холос.

Лекин ҳамма иллат шундаки, ҳали ҳам кетмон ишлатмасдан парвариш қилиш тушунчасини бузаётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас.

Улар кетмондан воз кечсалар ҳам трактор культивациясини сифатли ўтказмайдилар, уялардаги бегона ўтларни ўтоқ қилдирмайдилар, экинни ўз ҳолига ташлаб қўядилар, бу эса ҳосилнинг муқаррар кўплаб нобуд бўлишига олиб келади ва пахта териш машиналаридан самарали фойдаланиш имконини кескин даражада камайтиради. Бундай тушунчаларга қарши кескин курашиш керак.

Экинларни парвариш қилишнинг биринчи циклини 15-20 майдан кечикмай, Хоразм областида ва Қорақалпоғистон АССР да эса 25 майда тамомлаш керак.

Маълумки, суғоришни моҳирлик билан ташкил қилиш ғўзанинг нормал ривожланишини таъминлашнинг муҳим шартидир. Бу ҳол сув кам бўлган шу йили айниқса муҳимдир. Суғоришни ғўза парвариши билан тўғри қўшиб олиб бориш мўл ҳосил етиштиришнинг шартидир.

Ғўзани қай муддатларда суғориш тўғрисидаги масала ҳар бир даланинг конкрет шароитини ҳисобга олиб туриб ўша жойда ҳал қилиниши керак. Аммо биз бу ерда бир нарса тўғрисида қатъий бир фикрга келишимиз керак. Бу — ғўзани жуда кечки муддатларда кўплаб суғоришдек зарарли практикага чек қўйиш масаласидир. Бу ҳол ҳосилнинг пишишини кечиктириб юборади, ғўза ётиб қолади, пахтанинг сифати бузилади.

Пахтачиликда механизатор билан бир қаторда сувчи марказий фигурадир. Шунинг учун сувчи кадрларни танлашга ва тарбиялашга ҳозирданоқ алоҳида эътибор бериш керак, уларга зарур барча шарт-шароитларни, айниқса тунги суғориш пайтида зарур бўладиган шарт-шароитни яратиб беришга эътибор қилиш лозим. Ғўзани яхши, сифатли суғорган ва сувни тежаб-тергаб сарфлаган сувчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш системасини ишлаб чиқиш лозим.

Шуни эсда тутиш керакки, қиш ва баҳор мобайнида об-ҳаво кўпгина қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг қишлашига қулай келди. Шунинг учун айниқса ҳушёр бўлиш керак, профилактика тадбирлари комплексини ўз вақтида амалга ошириш йўли билан зараркунандаларни қириб ташлаб, ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик керак.

**Пахтачиликда техника тараққиётини** бутун чоралар билан жадаллаштириш партия ташкилотимизнинг асосий йўли бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Биз, 1 миллион 50 минг гектар майдонга чигитни квадрат-уялаб, шу жумладан, 250 минг гектар майдонга чигитни аниқ экадиган сеялка билан экиш, 1 миллион 260 минг гектар майдондаги ғўзани икки томонлама ишлаш, шундан 1 миллион 60 минг гектар майдондаги ғўзани кетмон ишлатмай парвариш қилиш, 600 минг тонна пахтани машинада териб олиш мажбуриятини олганмиз. Бу мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши керак.

Ҳосилни машинада териб олиш бу йил ҳам пахтачиликдаги техника тараққиётининг асосий звеноси бўлиб қолади.

Шуни айтиш керакки, ўтган йили машина терими юзасидан маълумот берилганда рақамларни ошириб кўрсатиш ҳоллари юз берган эди. Биз, ошириб кўрсатишга қарши кескин курашишимиз, айбдорларни қаттиқ жазолашимиз керак.

Ўтган йилларнинг тажрибаси шуни аниқ кўрсатадики, машина теримини муваффақиятли ўтказиш учун унга тайёргарликни кўкламдан бошлаш керак.

Ҳосили машинада териб олинадиган далаларни ҳозирданоқ белгилаб қўйиш керак, ана шу далаларда пахтанинг барвақт очилиши ва ҳосилнинг мўл бўлиши, машина терими талабларига жавоб берадиган пахта ҳосили етиштирилиши учун табақалаштирилган агротехника тадбирларининг амалга оширилишини таъминлайлик.

Пахта терадиган техникани ремонт қилишни сира ҳаялламасдан кучайтириш, кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Турсуной Охунованинг ташаббуси ажойиб қиз-жувонларимиз томонидан тобора кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда, турсунойчилар борган сари кўпаймоқда. Партия ташкилотларининг бурчи бу ватанпарварлик ҳаракатни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Фақат пахтадан юқори ҳосил етиштириш ва уни ўз вақтида йиғиб-териб олишгина эмас, балки саноатга юқори сифатли тола етиштириб бериш ҳам интернационал бурчимиздир.

Шу муносабат билан пахта сақлашни ва уни қайта ишлашни тубдан яхшилаш вазифаси биринчи ўринга қўйилмоқда. Бу йил тайёрлаш системаси фақат қуруқ пахтани қабул қилади. Шунинг учун мавжуд сушилкаларнинг ўз вақтида ремонт қилинишини ва янгиларининг ўз вақтида қурилишини таъминлайлик. Бундан кейин пахтани йўлларда қуритиш қатъий тақиқланади. Барча колхоз ва совхозларда пахтани қуритиш учун етарли миқдорда яхши майдончалар қурилсин. Пахта тайёрлаш пунктларида пахта кечқурун соат 8 гача қабул қилинади. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети пахтани қоп-қанорсиз ташишни кескин даражада кўпайтириш чораларини кўрмоқдаларки, бу ҳам тола сифатининг яхшиланишига ёрдам беради.

Пахта тозалаш саноатимизнинг ходимлари пахтадан кўпроқ тола олинишини ва тола сифатининг оширилишини таъминлашлари керак. Пахтани сақлашни ва қайта ишлашни яхшилаш вазифаси фақат халқ хўжалиги кенгаши ходимларинигина эмас, балки республикадаги барча партия ва совет ташкилотларининг ҳам вазифасидир. Пахта толасининг сифати пастлиги тўғрисидаги ҳар бир рекламацияни фавқулодда ходиса деб баҳоламоқ ва айбдорларни қаттиқ жавобгарликка тортиш керак.

Бу йил республика партия ташкилоти жиддий имтиҳондан ўтади. Биз ҳар қандай шароитда ҳам Ватанга 3 миллион 200 минг тонна пахта етказиб беришимиз керак. «Оқ олтин» етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш Ўзбекистон меҳнаткашларининг қудратли социалистик Ватанимиздаги барча халқлар билан ажралмас дўстлигининг моддий ифодасидир.

### ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИНИ ТЎХТОВСИЗ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Биз, пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтира бориб, хўжаликни комплекс бошқаришимиз, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини тўхтовсиз ривожлантиришимиз керак.

Ипак қурти боқишнинг қизғин пайти бошланди. Ишни тўғри ташкил қилсак, бу йилги шароит бизга биринчи қурт боқишданоқ ўз мажбуриятимизни бажаришгина эмас, балки ошириб бажариш имконини беради. Бу иш бизнинг қўлимиздан келади.

Кейинда қолаётган хўжаликларни илғорлар даражасига етказиш пиллачиликдаги муҳим резервдир. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари пиллачиликнинг юксак маданиятини, ипак қуртларини жадал боқишнинг илғор агротехникасини ўзлаштиришда ана шундай хўжаликларга ёрдам кўрсатишлари керак.

Биз КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларига биноан дон, айниқса шоли етиштиришни анча кўпайтиришимиз ва шу йилнинг ўзидаёқ давлатга камида 8 миллион пуд дон сотишимиз керак.

Колхоз ва совхозларда дон етиштириш асосан деҳқончиликнинг юксак маданияти негизида ҳосилдорликни ошириш, экин майдонларининг структурасини тўғри белгилаш ва шоли экиш учун Амударё ҳамда Сирдарё соҳилларида янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига кўпайиши керак. Шу билан бирга биз лалмикор ерларда дон, дуккакли ва мойли экинлар экиладиган майдонларни кўпайтириш учун мавжуд катта имкониятлардан фойдаланишимиз лозим.

Дон учун маккажўхори ва оқ жўхори экиш планини яқин кунлар ичида бажариш, шоли экишни уюшқоқлик билан ўтказиш, бу экинларни намунали парвариш қилиш ва ҳосил ўрим-йиғимига ҳозирданоқ атрофлича тайёргарликни авж олдириб юбориш керак. Биз бу йил гектаридан камида 50 центнердан маккажўхори дони, 50-60 центнердан шоли олишимиз керак.

Луб экинлари етиштирадиган хўжаликларнинг меҳнаткашлари олдида катта ва масъулиятли вазифа турибди. Улар эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун луб пояси ва каноп уруғидан бу йил ҳам юқори ҳосил етиштиришлари керак. Бултур гектаридан 163-202 центнердан каноп пояси ва 6 центнердан каноп уруғи етиштирган Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли ва «Политотдел» колхозларининг ҳамда бошқа энг яхши хўжаликларимизнинг илғор тажрибаси барча лубкорларнинг тажрибасига айланиши керак.

(Давоми иккинчи бетда)

*) Доклад қисқартирилиб босилди.

# КПСС XXII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

## *Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленумида қилган доклади*

(Боши биринчи бетда)

Сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш соҳасида қиладиган ишларимизнинг аҳамияти катта.

Бу йилги шароит эрта пишар сабзавотларни ва картошкани ўтган йилдагидан 15-20 кун илгарироқ экиш ва кўчат қилиш имконини беради. Лекин экишнинг бориши бу имкониятлардан фойдаланилмаётганлигини кўрсатади. Бу соҳада Бухоро, Андижон ва Самарқанд областлари айниқса орқада қолаётир.

Кўпгина хўжаликларда янги боғ ва токзор қилиш плани қониқарсиз бажарилди. Бу — даставвал Фарғона, Хоразм ва Тошкент областларига тааллуқлидир. Кўпгина хўжаликларда боғларни ва токзорларни парвариш қилиш қониқарсиз ташкил этилган.

Биз бу камчиликларни тезда йўқотишимиз, сабзавот, картошка, қовун-тарвузни экиш ва кўчат қилишни яхши ташкил этишимиз, тўла гектар бўлишига ва кўчатларнинг нормал қалинлигига эришишимиз, ана шу экинларнинг намунали парвариш қилинишини йўлга қўйишимиз, шунингдек боғларга ва токзорларга яхши қарашимиз керак. Бизда такрор экин экиш ва сабзавотдан икки марта ҳосил олиш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмоқ керак. Ана шу маҳсулотларнинг талон-торож қилинишига, алдамчиликка ва кўзбўямачиликка йўл қўймаслик учун ҳисоб ва ҳисоботни яхши йўлга қўйиш лозим. Сабзавот, картошка, мева ва узум тайёрлашни ҳамда бу маҳсулотларни эҳтиёт қилиб сақлашни яхши ташкил этиш зарур.

Биз мева-чева, узум, қовун-тарвуз билан фақат республикамиз аҳолисинигина эмас, балки қардошларимиз — москваликларни, ленинградликларни, сибирликларни ва мамлакатдаги бошқа саноат марказларининг меҳнаткашларини таъминлаш ҳам бурчимиз эканлигини ҳамиша эсда тутишимиз керак.

### ЧОРВАЧИЛИКНИНГ КЕСКИН ДАРАЖАДА ЮКСАЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Республика партия ташкилотлари амалга оширган катта ишлар натижасида кейинги йилларда жамоат чорвачилигини ривожлантиришда баъзи ютуқларга эришилди, ажойиб чорвадор кадрлар ўсиб етишди.

Лекин чорвачиликни кескин даражада юксалтириш учун республикамизда мавжуд бўлган катта имконият ва резервлардан ҳамон ёмон фойдаланилмоқда. қишлоқ хўжалигининг бу муҳим соҳасидаги жиддий камчиликлар эса жуда секин тугатилмоқда.

Республика колхоз ва совхозлари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорига жавобан 1961 йилда гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириш ҳамда молларни яна ҳам кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Лекин биринчи квартал якунлари олинган бу мажбуриятлар тегишли ташкилотчилик ишни билан мустаҳкамланмаганлигини ва мажбуриятлар қониқарсиз бажарилганлигини кўрсатади. Давлатга гўшт ва сут сотиш квартал плани бажарилмай қолди. Қорақалпоғистон АССРда ва Сурхондарё областида ана шу маҳсулотларни етиштириш айниқса кескин камайиб кетди.

Никита Сергеевич Хрушчев Олмаотада бўлган кенгашда ҳамма пахтакор хўжаликлари шароитида ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига сўйилган вазнда 75 центнердан ва қишлоқ хўжалигига яроқли бошқа ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 16 центнердан гўшт етиштиришни таъминлаш мумкинлигини «Пахтаорол» совхози мисолида кўрсатиб берди. Республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши новаторлари ўртоқ Хрушчевнинг доно маслаҳатларига амал қилиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўлчилиги учун катта юриш планларини амалга ошириш йўлларини қидирмоқдалар.

Қўрғонтепа районидаги пахтакор «Совой» совхози, Избоскан районидаги «Партия XX съезди», Поп районидаги Ленин номли колхозлар бу соҳада қимматли ташаббус кўрсатдилар. Ана шу хўжаликларнинг меҳнаткашлари экин майдонларининг структурасини қайта кўриб чиқдилар, улар пахтачиликни янада ривожлантириш билан бир қаторда, маккажўхори, беда, қанд лавлаги экиладиган майдонларни кенгайтириш, ана шу экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашни кўзда тутиб, гўшт етиштиришни кўпайтириш юзасидан янги, оширилган мажбуриятлар олдилар. Масалан, «Совой» совхози гектар бошига пахта ҳосилдорлигини 29 центнерга етказишга ва яқин икки-уч йил ичида қишлоқ хўжалигига яроқли барча ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига сўйилган вазнда 67 центнердан гўшт етиштиришга қарор қилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети «Совой» совхози, «Партия XX съезди» ва Ленин номли колхозлар ишлаб чиққан тадбирларни маъқуллади. Бу тадбирлар матбуотда эълон қилинди. Илғорларнинг ташаббуси билан республикадаги барча хўжаликлар ўзларининг янги марраларини аниқлаб чиқдилар. Республикада «Ҳам пахта, ҳам гўшт етиштиришни кўпайтирамиз» деган шиор ташланди.

Бироқ, олинган мажбуриятларни бажариш учун катта иш қилишга тўғри келади.

Биринчидан, моллар туёғининг, айниқса ургочи молларнинг узлуксиз кўпайишига эришиш керак. Бунинг учун ургочи молларнинг қисир қолишини тугатиш, ёш молларни соғлом ўстириш керак. Уруғитиб кўпайтиришга яроқли ургочи молларни сарф қилиб юборишдек йўл қўйиб бўлмайдиган практикага кескин чек қўйиш лозим.

Биз, молларнинг нобуд бўлишидан ҳамон катта зарар кўрмоқдамиз. Колхоз ва совхозларда ветеринария иши юқори даражада эмаслигини айтмасдан ўтиб бўлмайди, ветеринария ишини яхшилаш учун жуда кўп иш қилишга тўғри келади. Лекин моллар нобуд бўлаётганлигининг асосий сабаби—хўжасизликдир. Биз, моллар майдондан думбул сўтаси билан камида 500-600 центнердан силосбоп кўкпоя олишимиз керак. Маккажўхоридан йилида икки бор ҳосил олиш биз учун қонун бўлиб қолсин.

Шу билан бирга бедага бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш лозим. Беда—таркибида оқсили кўп бўлган ажойиб озуқа экинидир. Молга маккажўхорини беда га аралаштириб бериш жуда яхши натижа беради. Шу билан бирга, ўзингиз биласизки, беда ғўзанинг бошқа экин билан сира алмаштириб бўлмайдиган ўтмишдошидир.

Биздаги сугориладиган деҳқончилик шароитида сут етиштиришни кўпайтириш ва чўқаларни бўрдоқи қилиш учун қанд лавлаги муҳим озуқа экинидир. Агар яхши меҳнат қилинса, гектаридан 500 центнердан қанд лавлаги олиш мумкин.

Пахтачилик билан чорвачиликнинг ривожланишини моҳирлик билан боғлаб олиб бориш учун, майдон единицасидан кўпроқ маҳсулот олиш учун экин майдонларининг структураси масалаларини атрофлича ўйлаб ҳал қилиш керак. Н. С. Хрушчев Олмаотадаги кенгашда бунга эътиборни мутлақо тўғри жалб қилди.

Бу соҳада бизда кўпгина чалкашликлар, кўпгина тасодифий ҳоллар борлигига иқрор бўлиш керак. 1961 йилда кўпгина хўжаликлар қабул қилган экин структураси билан танишиб чиққанингда бунга ишонасан.

Мисол учун Тошкент областидаги «Социализм» совхозини олайлик. Бу совхоз 1961 йилда озуқа бўладиган экинларнинг қуйидаги составини қабул қилган:

дон учун 20 гектар маккажўхори, гектаридан ўрта ҳисобда 25,4 центнердан ҳосили билан;

силос учун 280 гектар маккажўхори, гектаридан ўрта ҳисобда 250 центнер ҳосили билан;

400 гектар арпа, гектаридан ўрта ҳисобда 9 центнердан ҳосили билан (9 центнер деб такрор айтяпман, баъзанлик сугориладиган ерда гектаридан 20-25 центнердан арпа ҳосили олиш мумкин эди);

446 гектар бир йиллик ўтлар, гектаридан 10 центнердан ҳосили билан;

700 гектар эски бедазор, гектаридан ўрта ҳисобда 66 центнер ҳосили билан;

25 гектар илдиз мева, гектаридан ўрта ҳисобда 300 центнер ҳосили билан.

Экинларнинг бундай структураси сугориладиган ерларни, унга кетадиган маблағ ва меҳнатни талон-торож қилишдан бошқа нарса эмас! Бундай структура етарли миқдорда ем-хашак етиштирилишини сира ҳам таъминлай олмайди.

Агар бу ишга оқилона қаралса ва кам ҳосил берадиган айрим экинларни бошқа фойдали экинлар билан алмаштирилса, совхознинг озуқа балансида жуда яхши натижага эришиш мумкин. Масалан, 446 гектар майдондаги бир йиллик ўтлардан гектарига 10 центнердан ҳосил олинганда 149 тонна озуқа единицаси беради. Ана шу ўтнинг ўрнига силос бостириш учун маккажўхори экиб, гектаридан фақатгина 500 центнердан ҳосил олинган тақдирда ҳам 4460 тонна озуқа единицасига эга бўлиш мумкин. Шундай қилиб, фақатгина ана шу бир хил экинни бошқаси билан алмаштириш ҳисобига хўжалик 4311 тонна озуқа единицасини ютган бўлур эди. Бу эса совхозда қўшимча равишда камида 431 тонна гўшт, ёки 2874 тонна сут етиштириш имконини беради. Мен совхозда сугориладиган майдонларда ем-хашак бўладиган экинларнинг ҳосилдорлиги икки-уч баравар кам планлаштирилгани тўғрисида гапириб ўтирмайман.

Ўнлаб хўжаликларда мутахассислар томонидан ўтказилган анализ шуни кўрсатадики, иқтисодий жиҳатдан асосланган экин майдонларининг тўғри структурасига ўтиш деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервидир.

Шунингдек йилловлардан фойдаланишда ҳам тегишли тартиб ўрнатиш керак.

Бешинчидан, гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун курашда чорвадор кадрлар ҳал қилувчи роль ўйнайдилар.

Биз шунга иқрор бўлишимиз керакки, ҳали чорвачиликда ўз ишини севмайдиган, ўз ишини билмайдиган, махсус маълумоти бўлмаган ходимлар йўқ эмас. Бунинг устига кўпинча чорвачилик фермаларига тасодифий, виждонсиз кишилар кириб қолади.

Область ва район партия комитетлари чорвачилик иши кимга ишониб топшириб қўйилганлигини эътибор билан қараб чиқишлари, фермаларни тасодифий кишилардан тозалашлари, фермаларни пухта тайёргарлиги бор ўртоқлар, даставвал, коммунистлар ва комсомоллар ҳисобига мустаҳкамлашлари, чорвачилик фермаларининг раҳбарлигига фан ва илғор тажриба эришган ютуқларни ишлаб чиқаришга моҳирлик билан жорий қилишга лаёқатли зоотехникларни, ветеринарларни қўйишлари керак. Бизнинг ҳар бир хўжалигимизнинг ўз Буниннари ва Султоновлари бўлсин. Ўшанда чорвачиликнинг энг тез етиладиган соҳаси бўлган чўчқачиликнинг жадал ривожланишини таъминлаймиз. Илғор сут соғувчиларнинг, чўпонларнинг, молбоқарларнинг, бузоқбоқарларнинг, паррандабоқарларнинг сафларини кенгайтириш, илғор тажриба мактабларини кўпроқ очиш керак, энг яхши хўжаликларда семинарлар ўтказишни кенг практика қилиш керак.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Олмаота кенгашида сўзлаган нутқида Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларнинг меҳнаткашлари пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш билан бирга гўшт, сут ва жун етиштиришни кўпайтиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар деб ишонч билдирди.

Бу вазифани муваффақиятли бажариш — республика партия ташкилотининг шон-шараф ишидир.

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТЕЗРОҚ ТУГАЛЛАЙЛИК

Республикада ва областларда қишлоқ хўжалик органларини қайта ташкил этиш соҳасидаги иш асосан амалга оширилиб бўлди, аммо, район звенолари ҳали қайтадан ташкил этилган эмас. Ташкилий тадбирларни қуйидан юқоригача тезроқ амалга ошириш, кадрларни тўғри танлаш ва тўғри жойлаштириш, янги қишлоқ хўжалик органларининг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитни вужудга келтириш керак.

Сўнгра, ўртоқ Рашидов Қишлоқ хўжалик министрлиги, унинг областлардаги комплекс қишлоқ хўжалик станциялари, район ва районлараро тажриба-намуна хўжаликлари, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ва республика Тайёрлаш министрлигининг вазифаларига батафсил тўхталиб ўтади.

Янги шароитда партия ва совет совхозлардаги ишларнинг аҳволи учун жавобгарлиги ва бу соҳадаги роли кўп даражада ортади. Ҳозирги вақтда улардан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ оператив ва малакали раҳбарлик қилиш талаб этилмоқда. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш, пландан ташқари маҳсулот етиштириш юзасидан меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш маошаларига алоҳида эътибор бермоқ керак.

Партия ва совет ташкилотлари колхозчиларга аванс бериш ишларидаги нуқсон ва хатоларга қарши қатъий кураш олиб боришлари лозим.

### ОММА ЎРТАСИДАГИ ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА СИЁСИЙ ИШНИ ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

Ҳар бир область, ҳар бир район, колхоз, совхоз, бутун республика КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларига асосланиб, етти йилликнинг учинчи йили учун ўз марраларини белгилаб олган ҳозирги пайтда кўзда тутилган тадбирларни, олинган социалистик мажбуриятларни амалга ошириш соҳасидаги ташкилотчилик иши ва сиёсий иш биринчи ўринга қўйилади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида, қишлоқ хўжалик илғорларининг зональ кенгашларида қишлоқ район партия комитетларининг иш услуби ва методларининг янада яхшилаш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Бизда ташкилотчилик ва сиёсий ишларни ташаббускорлик ва моҳирлик билан олиб бораётган қишлоқ район партия комитетлари оз эмас. Холдевонбек, Уйчи, Поп, Янгиариқ ва бошқа район партия комитетлари шулар жумласидандир.

Улар ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларини кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларга ёрдам кўрсатиш, коммунистларни жой-жойига тўғри қўйиш, илғор иш тажрибаларини умумлаштириш ва ёйиш масалаларига катта эътибор бермоқдалар.

Аммо, шуни ҳам эътироф этиш керакки, иш услуби ва методлари ўсган талабларга жавоб бермаётган қишлоқ район партия комитетлари ҳам бор.

Мисол учун Бухоро область Қизилтепа район партия комитетини (биринчи секретари ўртоқ Шарипов) олиб кўрайлик. Бу район ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажармади. Район партия комитети ва райондаги кўпгина бошланғич партия партия ташкилотларининг ташкилотчилик ишлари паст даражада бўлиши натижасида бундай ҳол рўй берди. Район партия комитети, шахсан ўртоқ Шарипов бутун эътиборни илғор иш тажрибаларини қўлланиш ва жойларда ишни ташкил этишга қаратиш ўрнига, ҳар қандай маҳлислар, кенгашлар ўтказиш, қоғозбозлик учун кўпгина қимматли вақтни сарф қилганлар. Бундай хатолар бу йил ҳам такрорланмоқда.

Еир қанча қишлоқ район партия комитетлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятидаги катта камчилик шундан иборатки, улар ҳар бир колхоз, ҳар бир совхозданги, лозим бўлган тақдирда эса ҳар бир бригададаги ишларни чуқур билмайдилар ва вазиятни эътиборга олиб, тўғри тадбир кўра билмайдилар. Илғор тажрибаларни умумлаштириш ва ёйиш уларнинг ишида асосий ўрин олган эмас, ҳолбуки, худди шу нарса ишнинг муваффақиятини ҳал этади.

Биз Никита Сергеевич Хрушчевнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорлари — қишлоқ хўжалигини намунали олиб бориш, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш йўлини кўрсатиб бераётган машъалларимиздир, деб берган кўрсатмасини доим эсда тутишимиз керак.

Андижон область партия комитети яқинда илғор хўжаликларнинг тажрибаларини ёйиш масалаларига бағишлаб навбатдаги пленумни ўтказиб, яхши иш қилди. Тошкент область партия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши новаторларининг советини ташкил этди.

Мамлакатдаги энг яхши хўжаликларнинг ташаббусидан намуна олиниб, республикадаги илғор колхозлар қолоқ колхозларни ўз оталигига олмоқдаки, бу тадбир жуда катта аҳамиятга эгадир. Турсунқулов, Хван, Қурбонов, Соиббоев ва бошқа ўртоқлар раҳбарлигидаги колхозлар бундай оталикни самарали амалга оширмоқдалар. Бу ажойиб, жуда фойдали ишдир. Бу ишни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва ҳамма жойда илғор хўжаликларнинг қолоқ хўжаликларни оталикка олишини уюштириш — бизнинг бурчимиздир.

Докладда бошланғич партия ташкилотларининг роли ва жавобгарлигини ошириш, уларнинг ишини кучайтириш масалаларига катта эътибор берилди.

Коммунистларни, дейди ўртоқ Рашидов, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи участкаларига тўғри жойлаштириш учун зарур чораларни кўрмоқ керак. Барча далачилик бригадаларида партия ташкилотлари тузилишини, иложи бўлмаган бригадаларда эса, партия группалари тузишни таъминлаш керак.

Кўпгина район партия комитетларининг раҳбарлари ва аппарат ходимлари ҳамма масалаларни фақат колхоз раислари билангина ҳал этиб, партия комитетлари ва партбюро секретарлари билан суҳбатлашишни, уларнинг ишига жиддий эътибор бериш ва уларга кўмаклашишни лозим деб билмаётганликлари каби тоқат қилиб бўлмайдиган аҳволга чек қўйиш пайти келган. Кўпгина район партия комитетлари баъзи колхоз раисларининг энг муҳим хўжалик масалаларини ҳал этиш ва ҳатто, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш вақтида партия ташкилотларининг иштирокисиз иш кўраётганлиги каби фактга кескин сиёсий баҳо бермаётирлар.

Буларнинг ҳаммаси қишлоқда партиявий-сиёсий ишларга катта зарар етказади, айрим партия ташкилотлари секретарларининг принципсиз бўлишларига, ўз кўз олдиларида рўй бераётган тартибсизликларни йўқотиш чораларини кўрмасликларига ва ҳатто, ана шундай ярамас ҳоллар тўғрисида юқори партия органларини хабардор қилмасликларига олиб боради.

Область ва район партия комитетлари шу ҳақиқатни яхши билиб олишлари керакки, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширган тақдирдагина, хўжалик-сиёсий вазифаларни муваффақиятли бажариш мумкин. Партия ташкилотларининг раҳбар ходимлари жойларга борган вақтларида бошланғич партия ташкилотларини четлаб ўтмай, балки улар орқали иш кўришлари, уларнинг роли ва обрўсини бутун чоралар билан кўтаришлари керак.

Партия ташкилотларининг хўжалик-ташкилотчилик ишларини оммага ўртасидаги сиёсий иш билан чамбарчас боғлаб олиб борилган тақдирда муваффақият қозониши мумкин.

Партия ташкилотлари ҳар бир киши билан иш олиб бориш, коммунизм ғалабаси йўлидаги умумхалқ курашида ўз ўрни ва ролини чуқур билиб олиши учун унга ёрдам бериш мақсадида идеология ишининг ҳамма формаларидан фойдаланишлари лозим.

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан кейин, бизда пропаганда ва агитация турмуш билан маҳкамроқ боғлаб олиб борила бошлади. Аммо, биз пропаганда ишида ҳамма жойда ҳам қўйилган мақсадга эришилаётир, деб айтолмаймиз.

Бизнинг пропагандамиз кўпинча турмушдан ажралиб қолган бўлиб, унинг таъсир доираси кенгайтирилган эмас, одатда кишиларнинг актив қисми ўртасида пропаганда олиб борилади, аҳолининг идеологик таъсирга кўпроқ муҳтож бўлган талай қисми эса пропагандистлар ва агитаторларнинг эътиборидан четда қолади.

Биз ана шу жиддий камчиликларни мумкин қадар тезроқ йўқотишимиз керак.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқнинг барча меҳнаткашлари далага чиқиб, 3 миллион 200 минг тонна пахта етиштириш, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун кураш олиб бораётган ҳозирги пайтда партия ташкилотлари сиёсий-тарбия ишларини дала шийпонларига кўчиришлари керак. Дала шийпонлари бу ишларнинг марказига айлантирилиши лозим.

Партия комитетлари пропагандистлар, лекторлар, агитаторларнинг, сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг, матбуот, радио, кино, телевидение, маданий-оқартув муассасалари, ижодий ташкилотларнинг фаолиятига конкрет раҳбарлик қилишлари ва уларнинг ишларини таъсирчан қилишга эришишлари керак.

Биз бутун куч-эътиборимизни республиканинг экономикаси ва маданиятини юксалтиришда катта куч бўлган ҳотин-қизларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада юксак даражага кўтаришга қаратмоғимиз лозим. Ҳотин-қизларга нотўғри муносабатда бўлиш каби ярамас ҳолларга қатъий ҳотима беришимиз, уларнинг ҳуқуқлари ва иззат-ҳурматини камситишга чек қўйиш, бу соҳада айбдор бўлган кишиларни эса қатъий жавобгарликка тортиш керак. Ҳотин-қизларни раҳбарлик ишларига дадил кўтариш, уларга ёрдам бериш, уларнинг сиёсий билими ва фаолиятини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш лозим.

Барча гражданларни меҳнатсеварлик, коллективчилик, ўзаро ёрдам руҳида, социалистик интернационализм ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш — идеология иши соҳасидаги энг муҳим вазифамиздир.

Партия ташкилотлари ўзларининг ташкилотчилик ва тарбия ишларида Советларга, касаба союз ва комсомол ташкилотларига таянишлари лозим. Хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал этишда маҳаллий Советларнинг, барча депутатларнинг роли ва жавобгарлигини ошириш керак. Қишлоқларда касаба союз ташкилотининг ишини кескин суратда яхшилаш керак.

Республика комсомол ташкилотлари 1961 йилда комсомол ва ёшлардан 12 минг кишини чорвачилик соҳасида ишлаш учун юбориш, комсомол-ёшлар бригадаларининг кучи билан бутун экин майдонининг ярмида маккажўхори етиштириш, қизлар ва ёш йигитлар орасидан 2.500-3.000 кишини пахта териш машиналарида ишловчи механиклар қилиб тайёрлаш, пахта экиш учун 37 минг гектар янги ерни ўзлаштириш, меҳнаткаш ёшлардан 500 кишини ишлаш учун Мирзачўлга юбориш, илғор иш тажрибалари ўргатиладиган 200 мактаб ташкил этиш каби юксак мажбуриятларни олдилар. Партия комитетлари ана шу юксак мажбуриятларни бажаришда комсомол ташкилотларига ёрдам беришлари керак.

Ўртоқ Рашидов сўзини давом эттириб айтадики, КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини бажаришни ташкил этиш, аввало, кадрларни тўғри жойлаштириш, район звеносини, колхоз ва совхозларни қишлоқ хўжалигини яхши биладиган ва уни юксалтиришга қодир бўлган яхши ташкилотчилар билан мустаҳкамлаш демакдир.

Кейинги йилларда республикада раҳбар кадрларнинг состави сифат жиҳатдан анча яхшиланди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаган кўп мутахассислар, яхши ташкилотчилар партия, совет ва хўжалик аппаратига келдилар.

Аммо, шундай бўлса ҳам, бизда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва кўтариш соҳасидаги ишларимизда ҳали кўп камчиликлар бор.

Партия ташкилотларининг баъзи раҳбарлари ёш ходимни кўтариш масаласи ҳал этилган пайтгача унинг тўғрисида ўйлайдилар ва унга эътибор берадилар, аммо, ёш ходим сайланган ёки тегишли вазифага тайинланганидан кейин, уни эсдан чиқариб қўядилар ва ёрдам бериш ўрнига, қуруқ талабчанлик ва «тазйиқ кўрсатиш» билан овора бўладилар. Кенг тарқалган бундай ҳолларни нормал бир нарса деб бўлмайди. Аммо, амалий ёрдам бермаган ҳолда ҳа деб талаб қила бериш маъмурий бир нарсага айланиб кетади ва кўпинча кадрларнинг асоссиз суратда тез-тез алмаштириб турилишига олиб келади.

Биз раҳбар кадрларни яхши ўйлаб, зўр эътибор билан танлашимиз, уларнинг камчиликларини вақтида пайқаб ола билишимиз ва бу камчиликларни бартараф қилиш учун ёрдам беришимиз керак. Ишни шундай уюштиришимиз лозимки, ходимларни тез-тез алмаштириб туришга йўл қўйилмасин.

Турмуш колхоз раислари ва совхоз директорларининг составини мустаҳкамлаш соҳасидаги ишни давом эттиришни, бундай кадрларни тайёрлаш чорасини кўришни ва шу билан бирга, ҳозир ишлаб турган ходимларнинг кўпини қайтадан тайёрлашни қаттиқ талаб этмоқда.

Кадрларимизнинг ғоят кўпчилиги юксак ғояли, соф виждонли, ростгўй, партия ва халққа чексиз содиқ, хўжалик-сиёсий вазифаларни муваффақиятли ҳал эта оладиган ташаббускор кишилардир.

Аммо, раҳбар ходимлар орасида ақли ва фидокорона меҳнати натижасида эмас, балки аҳволни бўяб кўрсатиш, камчиликларни яшириш, кўзбўямачилик ва давлатни алдаш йўли билан обрў топишга уринаётган сиёсий қалтабин ва виждонсиз айрим кишилар бор эканлигини ҳам фактлар яққол кўрсатиб беради.

Масалан, Қорақалпоғистон АССРнинг Кегайли районида 1.025 тонна пахта ошириб ёзилганлиги аниқланди. Район партия комитетининг собиқ секретари Давлетмуратовнинг ижозати билан шундай қилинганлиги маълум бўлди. Давлетмуратов сиёсий раҳбар қиёфасини тамомила йўқотган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аввалги пленумида ва актив йиғилишида Сурхондарё область партия комитети ва унинг раҳбарларининг фаолияти кескин танқид қилинди. Улар Шўрчи, Шеробод, Термиз ва бошқа районлардаги партия ва совет органлари, колхоз ҳамда совхозларнинг баъзи раҳбарлари ўз вазифаларини суиистеъмол қилганликлари ва ҳар хил йиғимлар ундириб олганликлари тўғрисидаги сигналларга нотўғри муносабатда бўлганлар.

Яна ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, қўшимча қилиб ёзиш, давлатни алдаш, суиистеъмол қилиш Сурхондарё областида кенг тарқалган, область партия комитети эса, ана шундай ярамас фактларга либералларча қараган, бир қанча ҳолларда эса, бундай фактларга принципсизлик ва муросасозлик билан қараган.

Сурхондарё областидаги масъул ходимларнинг кўпи хусусий мулкчилик майлларига берилиб кетиб, уй-жой қуриш билан овора бўлган, баъзилари эса шахсий бойлик тўплаш мақсадида колхозлардан ҳар хил нарсаларни ундириб олиш, ўзларининг мансабларини суиистеъмол қилиш йўлига ўтганлар.

Бундай аҳвол қандай қилиб рўй берди, деган савол тугилади. Бунга, аввало, сабаб шуки, область партия комитети ходимларни раҳбарлик лавозимларига кўтарган чоқда жиддий хатоларга йўл қўйиб келган. Айрим ҳолларда ходимларнинг сиёсий ва ишчанлик хусусиятлари эътиборга олинмаган. Баъзи район партия комитетларида кадрлар ошна-оғайнигарчиликка, қариндош-уруғчи-

(Охири учинчи бетда)

### ЕР—ХАЛҚ БОЙЛИГИ

Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кескин юксалтириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш ер ресурсларидан фойдаланишни тубдан яхшилаш билан, янги ерларни ўзлаштиришнинг ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг улкан программасини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Ер — асосий бойлигимиз, биз ундан оқилона фойдаланишимиз керак. Деҳқончиликнинг илмий жиҳатдан асосланган системасининг жорий қилинишини, барча хўжаликларда пахта-маккажўхори-беда алмашлаб экишни ўзлаштиришни таъминлаш керак.

Колхоз ва совхозларимизда, жумладан Сурхондарё ва Тошкент областларида ҳозиргача ҳам ерни талон-торож қилиш ва ўғирлаш ҳоллари учраб туради. Айрим хўжаликларда шундай фактлар ҳам аниқландики, шоли ва ҳовуштарвуз ҳамда сабзавот экиш учун ажратилган ерлар вақтинча колхоз аъзоси деб расмийлаштириб қўйилган хусусий кишиларга шериқчилик асосида фойдаланишга топширган.

Ердан фойдаланишнинг бундай ярамас практикаси кишиларни бузади, хусусий мулкчилик майлларининг тарқалишига ёрдам беради, текинхўрларни келтириб чиқаради, колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари ўртасида интизомни бўшаштиради, қишлоқ хўжалик артелларига ва давлатга зарар етказади.

Шунингдек, кўпгина хўжаликларда экин майдонларини яширишдан иборат давлатга қарши практикага йўл қўйилаётганлиги катта иллатдир. Партия ва совет ташкилотлари бундай фактларни фош қилишлари, айбдорларни қаттиқ жазолашлари, колхоз ва совхозларимизни муттаҳамлар ва фирибгарлардан батамом тозалашлари керак.

Бир қатор колхоз ва совхозларда, айниқса Марказий Фарғона ва Мирзачўлдаги колхоз ва совхозларда сугориладиган анчагина ер ҳар йили қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолаётганлигига сира хотиржам қараб туриб бўлмайди.

Биз ерларни талон-торож қилиш ва ўғирлашга чек қўйиш учун барча чораларни кўришимиз керак.

Шу билан бирга, янги ерларни ўзлаштириш планининг сўзсиз бажарилишига эришилсин. Бу ишда айрим раҳбарлар очиқдан-очиқ интизомсизликка йўл қўймоқдалар. Шу йил экин экиш учун биз 90 минг гектар янги сугориладиган ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритишимиз керак эди, 20 апрелгача эса, фақат 59 минг гектар ер тайёрланган. Бу соҳада Хоразм, Самарқанд ва Сурхондарё областларида иш аёниқса ёмон.

Бундай қолоқликка тоқат қилиб бўлмайди. Маълумки, Мирзачўл ва Қарши чўлларида, Марказий Фарғонада, Амударё соҳилларида янги ерларни ўзлаштириш соҳасида улкан ишлар қилиш керак, бу жойларда янги ерларни ўзлаштириш юзасидан анча ишлар шу йилнинг ўзидаёқ бажарилиши керак. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорига биноан республикага тасдиқланган планга қўшимча қилиб сув хўжалиги қурилиши учун 23 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу — КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг бизга сув хўжалиги қурилишини кенг авж олдириб юборишни таъминлашда бераётган катта ёрдамидир.

Сугориладиган мавжуд ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муҳим вазифалардандир. Мирзачўлда, Хоразмда ва бошқа областларда бу соҳада кўпгина иш қилиш керак.

Сугориш ва янги ерларни ўзлаштириш ҳамиша пахтачиликнинг негизи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бу — умумхалқ ишидир ва бу ишдан четда туришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир. Лекин шундай колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари борки, улар ўз ерлари тўғрисида ғамхўрлик қилмайдилар, ариқ-зовурларни ва ирригация шохобчаларини ўз вақтида тозалаб турмайдилар, колхоз территориясида сув хўжалиги ишларига қарамайдилар, экин майдонларини кенгайтирмайдилар, давлат қачон бизга ёрдам беркин, деб қўл қовуштириб турадилар. Партия ташкилотлари бировнинг ҳисобига яшашдан иборат бундай майлларга қарши кескин курашиши керак.

Ушбу етти йилликда сув хўжалиги қурилишини кенг миқёсда олиб боришда илмий-тадқиқот ташкилотлари, хусусан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Сув ва гидротехника проблемалари институти қурилишларда ва сугориш системаларидан фойдаланишда янада рационалроқ ва иқтисодий жиҳатдан қулайроқ бўлган иш усулларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда яқиндан ёрдам бериши керак.

«Средазгипроводхлопок» ва «Узгипроводхоз» институтлари — сув хўжалигини лойиҳаловчи бу ташкилотлар олдида масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифалар янги ерларни сугориш ва ўзлаштириш учун зарур бўладиган барча техникавий ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлашдан иборатдир.

# КПСС XXII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

## *Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ докладининг охири*

(Боши биринчи ва иккинчи бетда).

ликка ва шахсий садоқатига қараб танланган. Область партия комитети эса ишни барбод этган, ножўя ишлари билан ўз обрўларини тўккан район партия комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари ва колхоз раҳбарларининг иш бошида туришига узоқ вақт тоқат қилиб келган.

Область партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг суст ривожлантирилганлиги, қуйидан бўладиган танқидга, меҳнаткашларнинг сигналларига эътиборсиз қараб келинганлиги кадрларни тарбиялаш ишига жиддий зарар етказган. Область партия комитети баъзи районлар колхоз ва совхозлар раҳбарларининг халқ мулкини талон-торож қилганликлари, суиистеъмол қилганликлари ва бажарилмаган ишларни бажарилди деб ёзишлари, колхоз демократиясини бузганликлари тўғрисида кўп хат олган, аммо бу сигналларга тегишинча эътибор берилмаган ана шу сигналлар юзасидан зарур сиёсий хулосалар чиқарилмаган ва ўз вақтида чора кўрилмаган.

Сурхондарё область партия комитетининг кадрлар билан ишлашда йўл қўйган хатолари, партия ва давлат интизомининг бўшаштириб юборилганлиги, ташкилотчилик ва партиявий-сиёсий иш даражасининг пасайиб кетганлиги хўжалик вазифаларининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатди. Кейинги уч йил ичида умуман областда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 3,4 центнер камайди, ялпи пахта ҳосили эса, қарийб 23 минг тонна камайиб кетди. Бу йилги кўклам фаслида ҳам областдаги кўп хўжаликларда дала ишлари яхши ташкил этилган эмас. Давлатга гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар сотиш ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан кескин суратда камайди.

Сурхондарё областидаги ишларнинг аҳволи жиддий ташвиш туғдирди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси бу масалани муҳокама қилишга қарор берди.

Иш манфаатлари камчиликларни кескин суратда ва қатъий очиб ташлашни, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг ривожлантиришни қаттиқ талаб этади. Бир-бирига кафиллик, бир-бирларининг ишдаги ва шахсий ҳаётидаги хатоларини ўзаро кечириш муқаррар суратда интизомнинг бузилишига, партия ва давлат манфаатларини эсдан чиқариб қўйишга олиб келади, принципсизлик ва обивателчиликни вужудга келтиради, буни сира ҳам унутмаслик керак.

Ўртоқ Юнусов узоқ вақт правление раиси бўлиб келган «Ўзбекбирлашув»да худди шундай ярамас аҳвол вужудга келган. «Ўзбекбирлашув» правлениеси ва шахсан ўртоқ Юнусовнинг ўзи кадрлар танлашда партия принципини бузиб, матлубот кооперацияси системасида илгари шарманда бўлган, сиёсий жиҳатдан қолоқ ва маънавий жиҳатдан тутуриқсиз бўлган виждонсиз кишиларни раҳбарлик лавозимларига ва моддий жавобгарлик лавозимларига тайинлаб келган. Бу ҳол нимага сабаб бўлганлигини шу нарсадан очиқ кўриш мумкинки, кейинги уч йил ичида республика матлубот кооперацияси ташкилотларида растрата ва ўғирлик авж олиб кетган.

«Ўзбекбирлашув»нинг собиқ раҳбарлари Юнусов, Ардабьев, Шокиров ва Кириленко ўз мансабларини суиистеъмол қилиб, коммунистик ахлоқ нормаларини поймол этиб, партиянинг коммунист шахсан камтар бўлиши тўғрисидаги кўрсатмаларини эсдан чиқариб қўйганлар ва кооператив маблағлари ҳисобига дангиллама уйлар қуриш йўлига ўтганлар, уларнинг ўзлари ва «Ўзбекбирлашув»нинг бошқа баъзи ходимлари катта исрофгарчиликка йўл қўйганлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси шу фактлар юзасидан қарор қабул қилди. Юнусов ишдан бўшатилди ва унга огоҳлантириш шарти билан қаттиқ виговор берилди. «Ўзбекбирлашув»нинг бошқа ходимлари ҳам жазоланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кейинги вақтларда Тошкент шаҳридаги маъмурий органлар, партия ва совет органларининг айрим мансабдор ходимлари ишга масъулият сезмай жиноий совуққонлик билан қараганликларини кўрсатадиган бир қанча фактларни аниқлади. Ана шу ходимлар кўп сигнал ва асосли аризалар бўлишига қарамай, «Металлопосуда» заводида социалистик мулкнинг ўғирланишига барҳам бериш учун чора кўрмаганлар. Заводнинг собиқ директори Раҳмонов, бош инженери Шапиро ва бош бухгалтери Ципинюк бошлиқ жиноятчилар ана шу корхонада кўп мол-мулкни ўғирлаганлар ва талон-торож қилганлар. Бу ишда милициянинг собиқ раҳбар ходимларидан баъзилари ҳам айблидир.

Республика прокуратурасига «Металлопосуда» заводидаги суиистеъмол ва ўғирлик тўғрисидаги иш юзасидан терговни тез орада тамомлаш ва айбдор бўлган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш топширилди.

Жиноят ва суиистеъмолга, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишларга, ўтмишнинг турли-туман қолдиқларига қарши кураш олиб бориш, — деб сўзини давом эттиради докладчи, — партия ташкилотларининг кундалик ишидир.

Шу билан бирга, кадрларни асоссиз айблашга йўл қўйиш мумкин эмас, деб огоҳлантириб ўтишга тўғри келади. Қасддан қилинган кўзбўямачилик билан танқид таъсири остида ўз хатоларини тузата оладиган соф виждонли кишининг тасодифан қилган хатосини бир-биридан фарқ қила билиш керак.

Партия ташкилотлари барча кадрларимизни соф виждонли, ростгўй бўлиш руҳида, партия ва халқ манфаатларини жуда яхши тушуниш, партия ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш руҳида тарбиялашлари керак.

Биз барча ходимларимизга нисбатан талабчанликни оширишимиз ва шу билан бирга, уларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишимиз лозим. Кўзбўямачилик, интизомни бузиш, хусусий мулкчилик майиллари, хотин-қизларга нисбатан феодал-бойларча муносабатда бўлиш фактлари ва ўтмишнинг бошқа сарқитлари бизда кадрларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш иши ҳали юксак даражада эмаслигини кўрсатади.

Биз кадрларни тўғри тарбиялаш манфаатларини кўзлаб, мансабпарастлик кўринишларига қарши қатъий кураш олиб боришимиз керак. Раҳбар ходимлар қаторида мансабпарастларга ўрин йўқ.

Кадрларни ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчиликка қараб танлаш каби уринишларга қарши курашни бўшаштириш ярамайди, чунки бундай аҳвол мансабпарастлик, гуруҳбозлик, ғийбатчиликнинг авж олиши учун қулай замин вужудга келтиради. Биз маҳаллийчилик ва миллий маҳдудлик кўринишларига қатъий зарба беришимиз ва кадрларни социалистик интернационализм ҳамда халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашимиз керак.

Ўтмишнинг зарарли сарқитларидан халос бўлган кишиларни, социалистик юртимизнинг оташин ватанпарварларини, совет халқининг содиқ хизматкорларини, партиянинг ҳар қандай топшириқларини бажара оладиган чинакам интернационалистларни раҳбарлик ишларига кўтариш — бизнинг вазифамиздир.

Ўртоқ Рашидов докладининг охирида қуйидагиларни айтади:

— Етти йилликнинг учинчи йилида биз мўлжаллаган марралар тамомила реал марралар бўлиб, уларга эришиш мумкин. Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми олдимизга қўйган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга ва ўзларининг социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришга қатъий қарор берганлар.

Тўла ишонч билдириб айтаманки, халқ бахти учун оташин курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети, унинг Президиуми теварагига маҳкам жипслашган Ўзбекистон партия ташкилоти республика меҳнаткашларининг ўсган ижодий активлигига моҳирлик билан етакчилик қилади ва жонажон Коммунистик партия — улуғ Ленин партиясининг XXII съездини муносиб кутиб олишни таъминлайди. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бўлди. Музокаралар Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов**нинг нутқи билан бошланди.

Ўртоқ Абдураззоқов айтадики, КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу Пленумда ва қишлоқ хўжалик илғорларининг зональ кенгашларида сўзлаган нутқлари партия ва совет халқи учун, коммунизм ғалабаси учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Тошкент областининг меҳнаткашлари ўтган йилнинг якунларини танқидий кўздан кечириб, янги юксак марраларни белгиладилар. Улар етти йилликнинг учинчи йилида Ватанга 500 минг тонна пахта, 200 минг тонна луб маҳсулотлари, 1240 тонна пилла, 21 минг тонна гўшт, 58500 тонна сут етказиб бериш, ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда камида 500 центнердан маккажўхори кўк пояси олиш, кўп миқдорда картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга қарор бердилар.

Область партия ташкилоти айрим консерваторлар билан қатъий кураш олиб бориб, асосий майдонда чигитни прогрессив усулда экиш ва ғўзани икки томонлама парвариш қилишни таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар. Чигитни сифатли экиш, бир текис ундириб олиш ва қатор ораларини ўз вақтида ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Областдаги колхоз ва совхозлар ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг мамлакатдаги пахтакор районларда ҳар 100 гектар экин майдони ҳисобига чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги маслаҳатига амал қилиб, гўшт ва сут етиштиришни кескин суратда ошириш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар. Қолоқ участкалар кадрлар билан мустаҳкамланмоқда. Қишлоқ хўжалик мутахассислари ва ишлаб чиқариш новаторларининг роли кўтарилмоқда, илғор иш тажрибаларини пропаганда қилиш кенг миқёсда уюштирилмоқда.

Нотиқ область партия ташкилотининг ишини таҳлил этиб, унинг фаолиятида ҳали жиддий камчиликлар борлиги тўғрисида гапиради ва жумладан, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масаласига тўхталиб ўтади. Одамлар кўпинча ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик ва шахсий садоқат принципларига қараб қишлоқ хўжалигидаги раҳбарлик ишларига кўтарилиб келган. Тошкент областида у ёки бу раҳбар бир райондан иккинчи районга ўтганида ўз чемодани ва жиҳозлари билан биргаликда ўз дидига ёққан ва ўзи учун керакли бўлган кишиларни, ҳатто колхоз раисларини ҳам олиб кетганлигини кўрсатадиган ҳоллар бўлган. Қишлоқларда доимий паспортига «умр бўйи номенклатурадаги раҳбар» деган тамға, эҳтимол, босиб қўйилган ходимлар ҳам бор. Улар кўп хўжаликларнинг ишини барбод берсалар ҳам, масъулиятли лавозимларда қолиб келмоқдалар. Ана шу жиддий хатони тузатиш керак. Кадрлар билан ишлашда колхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотларининг роли ва жавобгарлигини ошириш зарур. Кўзбўямачиларга, социалистик мулкни талон-торож қилувчиларга ва текинхўр унсурларга қарши қатъий кураш олиб бориш керак.

Ўртоқ Абдураззоқов Мирзачўлнинг қўриқ ерларини ўзлаштириш соҳасида тегишинча ёрдам бермаётган илмий-тадқиқот муассасалари олдига жиддий талаблар қўяди. У. Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасидаги неча ўн минг гектарлаб маҳсулдор ерларни ўзлаштириш. «Ташводстрой»ни тезликда ташкил этиш масаласини қараб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Тошкент области, деб таъкидлайди ўртоқ Абдураззоқов, социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун зарур шарт-шароитнинг ҳаммасига эгадир.

Холдевонбек район партия комитетининг биринчи секретари **М. Маҳсумов** қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини амалга ошириш ва партиянинг XXII съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги амалий ишлари тўғрисида гапиради. Районда чигит ўн кун ичида агротехника жиҳатидан юксак даражада экилди. Ҳамма участкаларда чигитни квадрат-уялаб экиш таъминланди. Бутун майдондаги ғўзанинг ҳаммаси машиналар ёрдами билан икки томонлама парвариш қилинади. Районда экилган чигитнинг 80 проценти, айрим хўжаликларда эса ҳаммаси бир текис униб чиқди.

Қолоқ бригадаларни илғор бригадалар даражасига кўтариш учун кўп иш қилинмоқда. Пахтани машина билан териш учун керакли кадрлар тайёрлашга барвақт киришилди.

Коммунистлар ва районнинг барча меҳнаткашлари январь Пленумининг қарорларига ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қишлоқ хўжалик илғорларининг зональ кенгашларида сўзлаган нутқларига амал қилиб, чорвачиликни ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги камчиликларни тезликда бартараф қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Маккажўхори майдонлари 1960 йилдагига нисбатан 26 процент кенгайтирилади. Районда маккажўхори ва оқжўхори экиш яқин кунлар ичида тамомланади. Маккажўхори асосан квадрат-уялаб экилмоқда.

Район партия комитети хўжаликка конкрет раҳбарлик қилиш ва раҳбарликни оммага яқинлаштириш чораларини кўрмоқда. Колхозларда иқтисодий тўгараклар, район марказида эса агрономия курслари ташкил этилди. Ана шу тўгарак ва курсларда колхоз раислари ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ўқимоқдалар. Кадрларнинг иқтисодий билимини ошириш иш натижаларига, шубҳасиз, яхши таъсир кўрсатмоқда.

«Ҳазорбоғ» совхозининг директори **В. Т. Зибровга** сўз берилади. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорларидан илҳомланган бу совхознинг коллективи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқди. Илгари мўлжалланган планлар анча оширилди. Жумладан, ҳар гектар ерда 38 центнердан пахта етиштириш ва жами 11.500 тонна пахта олиш, 9500 тонна силос бостириш, 230 тонна гўшт ва 680 тонна сут тайёрлаш кўзда тутилади.

«Ҳазорбоғ» совхози тажриба-намуна хўжалигига айлантирилиши муносабати билан совхоз меҳнаткашлари пахта етиштиришнинг илғор методларини қўшни хўжаликларда жорий қилишлари лозим. Совхоз шу пайтгача областдаги колхоз ва совхозларга 25 тоннадан кўпроқ «массино» маккажўхори уруғи, «Ўзбекистон гиганти» оқжўхори уруғлари, 200 бошдан кўпроқ наслдор қорамол топширди. Денов районидаги «Ленинизм» колхози оталикка олинди.

Ўртоқ Зибров капитал қурилишни ташкил этишдаги камчиликларни кўрсатиб ўтади. Бу камчиликлар совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга халақит бермоқда. Зарар кўраётган совхозларга ёрдам бериш учун фойда ва турли фондлардан пул ажратиб олишга хотима бериш пайти келди. Ана шундай пул ажратиб олиниши бизнинг аҳволимизни ёмонлаштириб юборади. Бинокорлик материаллари билан таъминлашни ҳам яхши йўлга қўйиш керак.

«Ҳазорбоғ» совхозининг коллективи, — деди нотиқ, — ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш ва КПССнинг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун бутун куч-ғайратни сарф қилади. Биз, деди у, ҳар гектар ердан 39 центнердан «оқ олтин» олиш учун кураш олиб борамиз.

Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари **Т. Қамбаров** ўз нутқида колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши машъалларининг тажрибасини кенг пропаганда қилиш қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда муҳим роль ўйнайди, деб таъкидлайди.

Областдаги колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари, — дейди нотиқ, — КПССнинг XXII съездини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилиб, чигит экишни уюшқоқлик билан, агротехника жиҳатидан юксак даражада ва қисқа муддатларда ўтказиш, тупроқнинг табиий нами билан чигитни бир текис ундириб олиш учун куч-ғайратларини сарф қилмоқдалар. Аммо пахтачиликка раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишимизда жиддий камчиликлар ҳам бор.

Баъзи колхозларда ҳар бир гектарнинг тўла бўлиши учун курашга эътибор берилмаётир. Кўпгина район, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чигит экиш билан культивацияни қизитиб юбориш ўртасида ажралиш бўлишига йўл қўймоқдалар, ғўзани озиқлантириш ва яганалаш ишларини кечиктириб юбормоқдалар.

Маккажўхори ва оқжўхори экишнинг шу вақтгача тамомланмаганлиги катта камчиликдир. Колхоз ва совхозларнинг ҳаммасида ҳам чорва молларни боқиб семиртириш иши яхши боряпти деб бўлмайди. Областимиз давлатга сут сотиш биринчи квартал планини бажармади. Колхозлараро паррандачилик фермалари ва чўчқачилик фермалари ташкил этиш суст бормоқда.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Олмаотада ўтказилган қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашида берган кўрсатмаларига амал қилиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун керакли имкониятларни қидириб топмоқдалар.

Ўртоқ Қамбаров область қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги камчиликлар ҳақида матбуотда босилган танқидни тўғри деб топиб, бундай деди: Область партия комитети, кўпгина район ва шаҳар партия комитетлари қишлоқ хўжалик кадрлари составини хусусан мутахассислар ҳисобига мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрмадилар, кадрларни ўз хизмат бурчларини соф виждон билан бажариш, ростгўйлик ва ҳалоллик руҳида тарбиялашга эътиборни бўшаштириб юбордилар. Бунинг натижасида айрим ходимлар давлатни алдаш ва кўзбўямачиликдан иборат жиноий йўлга ўтдилар.

Область партия комитетининг бюроси КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларига амал қилиб, ташкилий ва партиявий-сиёсий ишни уюштиришдаги камчиликларга барҳам бериш, район ва шаҳар партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш учун бир қанча чора кўрди.

Ўртоқ Қамбаров сўзининг охирида айтдики, республика ташкилотлари областда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни оператив суратда ҳал этишлари лозим.

Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхози партия ташкилотининг секретари **Д. Худойбердиев** минбарга чиқади.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига ғоят катта вазифаларни қўйди, деб таъкидлайди нотиқ. Пленум бизларнинг ҳаммамиздан деҳқончилик маданиятини кескин суратда оширишни, чорвачиликнинг иш савиясини юксалтиришни талаб қилди. Колхоз партия ташкилоти ана шу вазифаларни назарда тутиб, колхозчилар ўртасидаги ўз ишларини кучайтириб юборди. Кейинги вақтда 26 киши, шу жумладан 12 механизатор коммунистлар сафига қўшилди. Чорвачиликда коммунистларнинг ташкилотчилик ролини оширишга алоҳида эътибор берилди. Олтмиш агитатор Пленумнинг тарихий қарорлари тўғрисида, илғорлар тажрибаси ҳақида суҳбатлар ўтказмоқда ва докладлар қилмоқда. Бригадалар ва звенолар ўртасидаги социалистик мусобақага ҳар икки ойда бир марта якун ясалиб, колхоз радиоузели бу ҳақда хабар бериб туради.

Хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар яхшиланди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришда хотин-қизлар катта роль ўйнамоқда. Хотин-қизлардан йигирмага яқин киши механизатор бўлди, кўплари эса раҳбарлик ишларига кўтарилди. Бу ишда колхоз хотин-қизлар совети катта роль ўйнади. Хотин-қизлар совети янги болалар боқчалари ва яслилари қуриш ҳақида, қишлоқ меҳнаткаш хотин-қизларига маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Ўтган йил колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини районда биринчи бўлиб бажарди. Пахтанинг таннархини кескин суратда камайтирди. Бунга асосан, пахта етиштириш процессларини ҳар томонлама механизациялаш ёрдам берди. Бироқ, бу муваффақиятларнинг ҳаммаси колхоз ишлаб чиқаришини тез юксалтириш йўлидаги фақат биринчи қадамдир. Колхоз қўшни хўжаликлар билан биргаликда районимизнинг пахтачилигини комплекс механизациялаш райони бўлишига эришиш учун курашади. Бу эса жонажон Коммунистик партиянинг навбатдаги XXII съездига энг яхши совға бўлади.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **Н. В. Мартинов** сўзга чиқади. Халқ хўжалиги кенгаши ихтиёридаги саноат корхоналарининг меҳнаткашлари, дейди у, жонажон Коммунистик партиянинг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун курашиб ва Белоруссия ҳамда Иваново областидаги корхоналарнинг коллективлари билан мусобақани кенг авж олдириб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш биринчи квартал планини муддатидан илгари бажардилар.

Аммо шундай бўлса ҳам Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарининг ишида катта камчиликлар бор. 49 завод ва фабрика ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш квартал планини бажармади, 175 корхона меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган даражага эриша олмади. Кўп завод ва фабрикалар маҳсулотнинг таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқни бажармадилар. Ўтган кварталда кўп миқдордаги чорва моллар бўрдоқига боқиш пунктларига келтирилмаганлиги сабабли гўшт-сут саноати корхоналари жуда қониқарсиз ишлади. Сут тайёрлаш бундан ҳам ёмонроқ ҳолдадир.

Ўртоқ Мартинов айтадики, КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми ва қишлоқ хўжалик илғорлари зональ кенгашларидан кейин Халқ хўжалиги кенгаши ўз куч-ғайратини пахтакор республикаларнинг кўп заказини бажаришга сафарбар қилди. Ана шу энг муҳим вазифа ҳал этилди. Қишлоқ хўжалик машиналарининг запас қисмларини ва минерал ўғитларни ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди. Пахтачиликни комплекс механизациялашни жадаллаштириш юзасидан қўшимча чоралар кўрилди, қишлоқ хўжалиги учун керакли машиналар ишлаб чиқаришнинг янги программаси белгиланди. Бу программа етти йиллик планнинг контроль рақамларида кўрсатилганидан кўпроқ машина ишлаб чиқаришни кўзда тутади. Қишлоқ хўжалик техникасини тайёрлаётган барча заводларнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш соҳасида иш олиб борилмоқда.

Пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кескин суратда кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Йил охиригача беш мингдан зиёд, ёки ўтган йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўпроқ пахта териш машинаси тайёрланади. Корхоналарни мақсадга мувофиқ ихтисослаштириш ана шу машиналарни янада кўпроқ ишлаб чиқариш имконини беради. Пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун керакли ўзи юрар трактор прицеплари ҳам кўпроқ тайёрланади.

Ўртоқ Мартинов пахта тайёрлаш масалаларига тўхталиб, ҳосилни қабул қилиб олиш қоидаларини бузилаётганлигини кўрсатувчи фактлар келтириб ўтади. Кўпгина пахта тозалаш заводларининг раҳбарлари пахтанинг намлиги ва ифлосланиши бўйича стандартларнинг бузилишига тоқат қилиб келмоқдалар. Ана шу корхоналарда бажарилмаган ишларни бажарилди, деб ёзишга йўл қўйилди.

Мамлакатимизда машҳур бўлган Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси **М. Хван** минбарга чиқади. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми ва меҳнаткашларнинг бахти учун оташин курашчи ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг иштироки билан ўтган зональ кенгашларидан кейин, — дейди у, — колхозчи деҳқонларнинг ижодий ғайрати, КПСС XXII съезди шарафига бошланган умумхалқ мусобақаси бениҳоя кучайиб кетди.

Ўртоқ Хван Никита Сергеевич Хрушчевнинг Олмаота кенгашида сўзлаган нутқи ва унинг ўз нутқида пахтакорларга берган маслаҳатлари ва тавсиялари ўзида ғоят кучли таассурот қолдирганлиги тўғрисида гапиради. Ўртоқ Хрушчевнинг кўпроқ кўк поя ва сўта олиш учун экиладиган маккажўхорини етиштириш тўғрисида берган доно маслаҳати ҳозирги вақтда колхозимизнинг далаларида амалга оширилмоқда.

Бизнинг колхозимиз, — дейди нотиқ, — кўп тармоқли хўжаликдир. Хўжаликнинг ҳар бир тармоғи биз учун муҳим бўлиб, уларнинг ҳаммаси бир-бири билан чамбарчас боғланган. Суғориладиган деҳқончилик шароитида пахтачилик ва бошқа техника экинлари етиштириш чорвачилик билан айниқса маҳкам боғлаб олиб борилиши лозим. Шу сабабли «Политотдел» колхозининг меҳнаткашлари Андижон областидаги XX партсъезд номли колхоз ва «Совой» совхози, шунингдек Фарғона область Поп районидаги Ленин номли колхознинг пахта ва гўшт етиштириш юзасидан белгилаган мўлжалларини тамомила маъқуллайдилар.

Шу муносабат билан ўртоқ Хван деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш планларининг алоҳида-алоҳида тузилишини кўзда тутган мавжуд тартибни нотўғри деб ҳисоблайди.

Ҳар бир пахтакор хўжалик алмашлаб экишни жорий қилиш ва экин майдонларини тўғри тақсимлаш йўли билан етарли миқдорда ем-хашак олиши мумкин.

Ўртоқ Хван ҳозирги вақтда колхознинг барча далачилик бригадаларида ишлаётган ва хилма-хил ишлаб чиқариш масалаларини оператив суратда ижодий ҳал этишга эришаётган советларнинг иш тажрибалари билан пленум қатнашчиларини таништиради.

Новаторлар совети ва инспекторлар группаси (бу группа бажарилаётган ишларнинг сифатини текшириб туради) колхоз правлениеси ва партия ташкилотига катта ёрдам кўрсатмоқда. Илғор колхознинг раҳбари ўз нутқини тамомлаб, колхознинг барча аъзолари номидан ваъда бериб, КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Н. С. Хрушчевга ёзилган мактубда олинган юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажарамиз, деб айтади.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **Н. Маҳмудов** қуйидагиларни айтади: Область партия комитети, унинг бюроси ва секретарларининг асосий хатоси шундан иборатки, улар кадрларни соф виждонли ва ростгўй бўлиш руҳида, топширилган иш учун юксак жавобгарликни сезиш руҳида тарбиялаш соҳасида етарли даражада иш олиб бормадилар, бажарилмаган ишларни бажарилди деб ёзиш ва алдаш каби ярамас ҳолларга суст эътибор бердилар, бундай ҳолларга кескин принципиал сиёсий баҳо бермадилар. Партия ва давлат интизомининг бузилишига либералларча қараш, баъзан эса принципсиз муносабатда бўлиш кадрларни издан чиқарди. Автоном республиканинг партия, совет ва хўжалик ташкилотларида ишловчи кўпгина раҳбар ходимлар кибрланиб кетишга, беғамлик ва хотиржамликка йўл қўйдилар. Буларнинг ҳаммаси мавжуд резервларни қидириб топиш ҳамда улардан фойдаланишга халақит берди ва 1960 йилда давлатга пахта, сут ва шоли сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилмай қолишининг асосий сабабларидан бири бўлди.

Область партия комитетининг бюроси ҳозирги вақтда алдаш, кўзбўямачилик ва кўпайтириб ёзиш каби фактларга қарши қатъий кураш олиб бормоқда ва колхоз ҳамда совхозларнинг иши устидан контролни кучайтирди. Бу чора партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Аммо, кадрларни тарбиялаш, уларнинг ишини контроль қилиб туриш қисқа муддатли кампания эмас. Партия ташкилотлари бу иш билан кун сайин ва систематик суратда шуғулланишлари керак.

Қорақалпоғистон партия ташкилоти республика қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини танқидий анализ қилиб, совхоз ва колхозларга раҳбарлик қилишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни очиб ташлади ва реал имкониятларни ҳисобга олиб, 1961 йилда янги марраларни белгилади. Ана шу юксак мажбуриятларни бажармоқ учун ташкилотчилик ишларини кенг йўлга қўйиш, мавжуд ресурслар ва резервларнинг ҳаммасидан моҳирлик билан фойдаланиш керак. Аммо шуни эътироф қилмоқ керакки, ҳозирги вақтда бизнинг ишимиз кўнгилдагидек бормаётир, совхоз ва колхозларда пахта, маккажўхори, сабзавот ва бошқа экинлар экиш кечикмоқда. Экинларни суғориш учун сув етишмаётганлигига қарамай, бир қанча колхоз ва совхозларда сувдан нотўғри фойдаланишга йўл қўйилди.

Чорвачиликка раҳбарлик қилишда жиддий камчиликлар бўлди. Чорва молларни боқиб семиртиришни яхши уюштиришга тегишинча эътибор берилмади, ем-хашак тайёрлаш ва ундан фойдаланишда кўп хатолар рўй берди.

Область партия комитети, Қорақалпоғистоннинг бутун партия ташкилоти, — дейди ўртоқ Маҳмудов, — олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун жавобгар эканликларини яхши биладилар. Ҳозирги вақтда бутун куч ва воситалар йўл қўйилган хатоларни тугатиш ва қолоқликни бартараф қилишга қаратилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси **О. А. Алимов** ўз нутқида КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бир қатор жуда муҳим масалаларга тўхталиб ўтади.

Ўртоқ Алимов партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли республикамиз қишлоқ хўжалигини ва аввало, пахтачилик ва чорвачиликни бутун чоралар билан юксалтириш учун зарур ресурсларга эга эканлигини исбот этувчи маълумотлар келтириб ўтади. Аммо бу ресурслардан етарли даражада фойдаланилмаётир, баъзи жойларда эса улардан фойдаланиш сира ҳам кўнгилдагидек эмас. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми бизда пахта ҳосилдорлигининг ўсиши суст бораётганлигини жуда тўғри кўрсатди. Бунга асосий сабаб шуки, деҳқончилик маданияти ҳали паст даражада бўлиб, кўпгина колхоз ва совхозларда агротехника қоидалари бузилмоқда. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари илғор хўжаликларнинг тажрибасини ўрганиш ва бу тажрибани ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасида қониқарсиз иш олиб бормоқдалар.

Алмашлаб экиш — суғориладиган деҳқончиликни муваффақиятли ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир. Алмашлаб экиш тўғрисида керагидан ҳам кўпроқ директивалар бор, алмашлаб экишни жорий қилиш учун кўп маблағ сарфланди. Аммо алмашлаб экишни жорий қилиш аввалгидек ҳозир ҳам жуда ёмон аҳволда. Текшириш шуни кўрсатдики, кўп совхоз ва колхозлар бу йил ҳам алмашлаб экишга нисбатан ўз муносабатларини ўзгартирган эмаслар, алмашлаб экишга ҳали ҳам етарли баҳо бермаётирлар.

Ўртоқ Алимов яна айтадики, қишлоқ хўжалигига, хусусан пахтачиликка доир бир қанча муҳим масалаларни ҳал этишда қишлоқ хўжалик фанининг жиддий орқада қолаётганлиги сезилиб турибди.

Бизнинг олимларимиз республика қишлоқ хўжалигини, хусусан пахтачиликни янада юксалтириш учун курашда актив қатнашишлари лозим.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг экономикаси масалаларига эътиборни сусайтириб юбордилар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари эса, хўжаликнинг рентабеллигини ошириш муҳим эканлигига етарли баҳо бермаётирлар. Жамоат хўжалигини мустаҳкамлашда колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги — меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида ва қишлоқ хўжалик илғорларининг зональ кенгашларида ҳар қандай найранглар билан, қўшимча қилиб ёзиш, кўзбўямачилик ва давлатни алдаш каби ярамас ҳоллар билан қатъий кураш олиб бориш масаласи кескин қилиб қўйилди. Биз шу нарсани очиқ эътироф қилишимиз керакки, йўл қўйиб бўлмайдиган ана шундай фактлар бизнинг республикамизда ҳам кенг ёйилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси ва республика ҳукумати қўшимча қилиб ёзиш, алдаш ва кўзбўямачилик фактларини кўп марта муҳокама қилдилар ва айбдорларга нисбатан қаттиқ чора кўрдилар. Биз айбдорларни сира ҳам юзхотир қилмай, бундан буён ҳам кескин суратда фош қилиб ташлашимиз ва қаттиқ жазолашимиз керак.

Ўртоқ Алимов ўз нутқида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш қандай аҳволда эканлигини ҳам анализ қилди.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишимизда, деди у, ҳали кўп хато ва нуқсонлар бор. Республика Министрлар Совети бу хато ва нуқсонларни бартараф қилиш, министрликлар ва бошқармаларнинг, маҳаллий совет ва хўжалик ташкилотларининг ишини яхшилаш учун зарур чораларни кўради.

Сурхондарё область партия комитетининг секретари **А. С. Пономарев** областда қишлоқ хўжалигининг аҳволини анализ қилади. У КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларидан илҳомланган Сурхондарё коммунистлари ва барча қишлоқ меҳнаткашлари чигит экишни тезроқ тугаллаш, чигитни текис ундириб олиш учун бутун кучларини сарф қилаётганликлари тўғрисида гапиради.

Сурхондарё чорвадорлари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун чорвачиликка раҳбарликни яхшилаш, унга моҳирлик билан раҳбарлик қилиш, илғор тажрибани кенг жорий этиш зарур. Областда ғаллакорлик, пиллачилик, сабзавот, картошка ва мева етиштириш янада ривожлантирилиши лозим.

Ўртоқ Пономарев область партия комитетининг фаолиятидаги камчиликлар ва хатолар пленумда тўғри танқид қилинганлигини эътироф этади. Областда кўзбўямачилик ва давлатни алдаш каби шармандали ҳоллар кўпайиб кетганлиги учун область партия комитети устига жиддий айб тушади. Кадрлар билан ишлашни кучайтириш, уларни софдиллик руҳида, ишга виждон билан қараш руҳида, партия ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш руҳида тарбиялаш область партия ташкилотининг энг муҳим вазифасидир.

Область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини амалга ошира бориб, етти йилликнинг ҳамма топшириқларини муваффақиятли бажариш учун, КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун ҳамма чорани кўради.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумидан кейин унчалик кўп вақт ўтгани йўқ, дейди Сталин районидаги Калинин номли колхознинг донгдор чўчқабоқари **Н. Г. Бабич**. Аммо ишни тўғри ташкил қилганда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда қандай яхши натижаларга эришиш мумкин эканлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Ўртоқ Бабич ўзининг иш тажрибаси тўғрисида гапириб, кўпроқ насл олиш ва уни яхши сақлаб қолиш бу ишда энг муҳим ўрин тутишлигини айтади. Унга бириктиб қўйилган урғочи чўчқаларнинг асосий қисми икки йилда беш марта болалайди ва ҳар сафар 14-15 тадан чўчқа бола беради. Чўчқа болаларини сақлаб қолиш учун уларга оқсил моддалари кўп бўлган хилма-хил озуқа берилади. Ёз ойларида озуқа рационига жумладан, кўп миқдорда ширали кўк озуқа ва қўшимча суратда минерал озуқа киради. Озуқа рациони ҳар бир чўчқанинг ёшига ва вазнига қараб тузилади.

Бизда, дейди илғор чўчқабоқар, новаторлар сони кун сайин кўпаймоқда. Масалан, Сталин районидаги «Коммунизм» колхозининг чўчқабоқари Анна Углова ўтган йил ҳар бир асосий урғочи чўчқадан 22 тадан чўчқа боласи олди ва уларни сақлаб қолди. Бу йил биз ҳар бир урғочи чўчқадан 37 тадан чўчқа боласи олиш учун у билан мусобақа боғладик. Ҳар бир илғорнинг бурчи юксак кўрсаткичларга эришиш учун курашибгина қолмай, қолоқларга ёрдам беришдан ҳам иборатдир. Уларни оталикка олиб, ўз ишининг зарбдори бўлишларига ёрдам бериш керак.

Ўртоқ Бабич чорвачилик маҳсулотининг таннархини камайтириш зарурлиги тўғрисида гапириб, мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш бунинг асосий шарти эканлигини таъкидлайди. Калинин номли колхоз фойдали ташаббус кўрсатиб, ўз маккажўхори ва бошқа донли экинлар майдонини кенгайтирди, пахтазорларнинг атрофлари бўйлаб, коллекторлар ва зовурлар бўйига ошқовоқ экадиган бўлди. Ошқовоқ мўл ҳосил беради ва чўчқалар уни яхши ейди. Бундай резервлар ҳар бир хўжаликда, ҳар бир районда мавжуд ва улардан албатта фойдаланиш керак.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари ҳамда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қишлоқ хўжалик илғорлари зонал кенгашларида берган кўрсатмалари омманинг меҳнат ғайратини ғоят ошириб юборди, деди ўз нутқида Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Шамситдинов**, областнинг кўпгина колхозлари ўз имкониятларини ва фойдаланилмаган резервларини ҳисоблаб чиқиб, илгари белгиланган социалистик мажбуриятларини қайтадан қараб чиқдилар, етти йиллик топшириқларини бажариш суръатларини оширишга қарор қилдилар.

Шу билан бирга, дейди нотиқ, шуни эътироф этиш керакки, социалистик мажбуриятларни бажариш юзасидан область ташкилотларининг кўрган чоралари етарли бўлмади. Чигит ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини экишда жиддий қолоқликка йўл қўйилганлигига анча даражада шу нарса сабаб бўлди.

Областда, деб таъкидлайди ўртоқ Шамситдинов, сув ресурсларидан фойдаланиш ишлари такомиллаштирилмоқда, бу эса шу йилги шароитда катта аҳамиятга эга. Ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш учун ҳамма колхозларда тажрибали мутахассислар бошчилигида махсус мелиорация бригадалари тузилди, улар эски зовурларни тиклаш ва янгиларини қуриш ҳамда сизот сувларини чиқариб юбориш ишлари билан шуғулланмоқдалар. Ер ости сувларини областдан ташқарига чиқариб юборишда Катта кўл коллекторининг яқинда ишга туширилган биринчи навбат қисми катта роль ўйнайди.

(Охири тўртинчи бетда)

# КПСС XXII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

(Боши учинчи бетда)

Бу иш, шунингдек область ташкилотларининг техникадан фойдаланишни яхшилаш соҳасида кўраётган чоралари чигит, маккажўхори экиш сурътини кескин суратда тезлаштиришга имкон беради. Қишлоқ механизаторларининг кучғайрати ҳамма майдонларда чигитни қисқа муддат ичида текис ундириб олишга ҳам қаратилмоқда.

Хоразм областида чорвачиликдаги камчиликларни бартараф қилиш учун кўп ишларни қилиш керак.

Ўртоқ Шамситдинов областда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида гапириб, республика Сув хўжалиги министрлиги ва Госплани қараб чиқиши лозим бўлган бир қанча масалаларни илгари сурди.

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг раиси **М. И. Кичанов** сўзга чиқади. Бирлашманинг район звеносини ташкил этиш ишлари тугалланаётир, дейди у. Унинг ихтиёрида кучли ишлаб чиқариш базаси—ремонт заводлари, ихтисослаштирилган мастерскойлар, республикалараро ва район базалари бор.

Колхоз ва совхозларнинг турли техника ва ресурсларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш зарур. Бироқ, республикада қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжларини ўрганиш ишлари кейинги вақтгача қониқарсиз ташкил этилган эди ва бунинг натижасида савдо базаларида неча ўн миллионлаб сўмлик жуда кўп товар қолдиқлари тўпланиб қолди. Ҳозирги вақтда савдо тармоқларининг ишидаги оперативликни ошириш, экиш даврида, ўрим-йиғим вақтида ва дала ишларининг бошқа масъулиятли даврларида хўжаликларнинг эҳтиёжларини узлуксиз таъминлаш учун чоралар кўрилмоқда.

Бир қанча районларда қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ишларини яхши деб бўлмайди. Кўпгина колхоз ва совхозлар мастерскойлари, тегишли ускуналари ва малакали кадрлари бўлмаганлиги сабабли тракторларни ва мураккаб машиналарни ўзларида примитив усулда ремонт қилмоқдалар, запас қисмларнинг жуда кўп ортиқча сарф қилинишига йўл қўймоқдалар. Бундай ҳолларга йўл қўймаслик учун ташкилотчиларимиз қатъий хотима бериш, техникани махсус мастерскойларда ремонт қилишга ўтиш керак.

Ремонт ишларини тўғри ташкил қилиш вазифасини ҳал этиш учун ремонт базасини ҳам жиддий равишда мустаҳкамлаш, мастерскойларни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш, замонавий ускуналар билан таъминлаш, ишчиларни ўқитиш ва уй-жойлар қуриш зарур. Ўртоқ Кичановнинг фикрича, Бирлашманинг тегишли ремонт базаси бўлмаган Тошкент, Андижон ва Самарқанд областларидаги йирик ремонт заводларини халқ хўжалиги кенгашлари ихтиёрдан олиб, Бирлашма ихтиёрига топшириш мақсадга мувофиқдир.

Сўнгра нотиқ «Узсельхозтехника» ходимлари колхозларда янги техникани жорий қилиш, пахтачиликда ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида комплекс механизациялаш учун мукаммалроқ машиналар системасини Қишлоқ хўжалик министрлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш, қишлоқ қурилишида замонавий индустриал методларни қўлланиш соҳасидаги вазифаларни қандай ҳал қилаётганликлари тўғрисида батафсил гапиради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришнинг улуғвор программасини чизиб берган КПСС Марказий Комитети январь Пленуми мамлакатимиздаги ҳамма республикалар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги муҳим давр бўлди, дейди Фрунзе районидаги Калинин номли совхозининг бўлим бошқарувчиси **Э. Иномова**. У республиканинг донгдор механизатори Турсуной Охуновадан намуна олиб, пахта териш агрегатида ишлай бошлади ва ўтган кўзда икки юз тоннадан ортиқ «оқ олтин» терди. Бу йил, дейди у, мени раҳбарлик ишига кўтардилар ва мен ўз ўртоқларимнинг ишончини оқлашга ваъда бераман. Совхоз бўлими ҳар гектардан 26 центнердан ҳосил олишга, кўп миқдорда пилла, сут, гўшт етиштиришга, маккажўхорининг ҳар гектаридан 800 центнердан силос бостиришга аҳд қилди.

Бухоро область партия комитетининг секретари **Н. И. Белоусов** ўз нутқини экиш кампаниясининг энг зарур масалаларига бағишлайди. Область партия ташкилоти ҳозир чигитни квадрат-уялаб экишда йўл қўйилган қолоқликка хотима бериш чораларини кўрмоқда. Область қишлоқ хўжалик механизаторлари экиш ишларини 1 Майгача тугаллаш учун, ҳамма жойда гектарларнинг тўла бўлишига эришиш учун бутун кучларини сарф қилмоқдалар.

Бу йил омма ўртасида олиб борилаётган ташкилотчилик, партиявий-сиёсий ишларнинг ҳаммаси илғорлар тажрибасини ва фан ютуқларини кенг ўрганиш ҳамда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига тезроқ жорий қилишга бўйсундирилган. Районларда, ҳамма колхоз ва совхозларда, бригадаларда ишлаб чиқаришнинг энг яхши ташкилотчилари мўл ҳосил усталари —маякларимиз ва қишлоқ хўжалик мутахассисларидан иборат кенгашлар тузилди. Бу кенгашлар пахта етиштиришнинг прогрессив методларини эгаллашда колхозчиларга ва совхоз ишчиларига ҳозирдаёқ ёрдам бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида, дейди ўртоқ Белоусов, гўшт ва сут етиштиришни кескин суратда кўпайтириш зарурлиги кўрсатилди. Бухоро областининг колхоз ва совхозлари бу қарорни амалга ошира бориб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўчайтириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқдилар. Бироқ, бу соҳада қилинаётган ишлар ҳам етарлик эмас. Бунга сабаб, ушбу пленумда тўғри кўрсатиб ўтилганидек, партия ташкилотлари олиб бораётган ташкилотчилик ишларининг савияси етарлик бўлмаганлигидир. Область партия комитети танқидни ҳисобга олади ва ўзи учун зарур хулосаларни чиқаради. Область чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан ўз мажбуриятларини сўзсиз бажариш учун катта резервларга эга ва бу резервлар ишга солинади.

Ўртоқ Белоусов кейинги вақтда областда қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик каби бир қанча фактлар очилганлиги тўғрисида гапириб, партия ва давлат интизомини бузувчиларга қарши омонсиз кураш олиб борилаётганлигини ва бундан буён ҳам олиб борилишини айтади.

* * *

Музокаралар тамом бўлгандан кейин Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

## БАЙРАМ АРАФАСИДА

Сирдарё районидаги «1-Май» колхози аъзолари КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари ҳамда авиация майори Юрий Гагариннинг оламшумул жасоратидан бениҳоя руҳландилар. Улар бу йил 850 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 26 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз берганлар.

Баҳорнинг илиқ кунлари етиб келиши биланоқ артелда чигит экишга тайёрлик ишлари авжига минди. Далаларга 862 тонна гўнг ташилди. 513 тонна минерал ўғит омборларга ташиб келтирилди. Мавжуд барча ариқ-зовурлар тозаланди. Ўнқир-чўнқир ерлар текисланди. Барча техника воситалари эса мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Ана шундай тайёргарликлар туфайли экишнинг биринчи кунлариданоқ суръат жадаллаштириб юборилди. Дала ишларига 400 ишчи кучи, 4 та ҳайдов, 9 та «ДТ-4, 10 та универсал тракторлари ҳамда 13 та экиш агрегати сафарбар этилган.

Бу йил колхознинг 400 гектар ерига чигит 60x50 сантиметр схемасида, 350 гектарига эса 50x50 схемасида квадрат-уялаб экилади. Қолган майдонларга оддий усулда экилади. Ҳозиргача колхознинг И. Персеитов, Қ. Кенгашев, А. Эшонқулов, Х. Норқулов, М. Исроилов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида 40 гектарга яқин ерга чигит квадрат-уялаб экилди. Колхозда етилган ерлар пешма-пеш текисланиб, бороналанаётир.

Илғор механизаторлар кунига 90—95 гектар ерни чигит экишга тайёрлаб бермоқдалар. Илғор экипаж аъзолари эса кунига 80—85 гектар ерга чигит экишини таъминлаётирлар. Колхоз пахтакорлари ғайратларига-ғайрат қўшиб ишлаб, чигит экиш кампаниясини эрта-индин тамомлаш арафасида турибдилар.

**М. ТЕМИРОВ.**

## Ғўза парваришига тайёрлик кўрилаётир

«Северний маяк» колхозининг Нуриддин Ҳолмирзаев бошлиқ 11-трактор-далачилик бригадаси пахтакорлари Ўрта Чирчиқ районида биринчи бўлиб 116 гектар ерга чигит экиб бўлдилар. Шундан 40 гектари янги очилган ердир. Улар чигит экиладиган барча майдонни эрта куздаёқ сифатли қилиб шудгорлаб, ҳар гектар ерга 10 тоннадан маҳаллий ўғит тўкдилар. Ҳаво жўнашиб кетиши билан ғанимат фурсатдан унумли фойдаланган бригада механизаторлари барча майдонга чигитни агротехника қоидалари асосида қисқа муддат ичида сифатли қилиб экишга муваффақ бўлдилар. Яхши ишланган ерга экилган чигитлар қуёш ҳароратидан баҳраманд бўлиб, текис униб чиқди. Бригада механизатори В. Беляков ғўза қатор ораларига биринчи ишлов беришни бошлаб юбориш учун трактерга культиватор осиб қўйди.

— Айниқса, ғўза қатор ораларига биринчи ишлов беришда эҳтиёт бўлиш керак. Агрегат тезлигини бир меёрда бўлмаса, ёт ниҳоллар тупроққа кўмилиб қолиши мумкин. Бу эса кўчатлар сони камайиб кетишига сабаб бўлади, — дейди бригада бошлиғи Н. Холмирзаев.

**С. ШОКАРИМОВ.**

# КВАДРАТЛАР ҚАНИ?

Ҳаво мусаффо. Қуёш нури ҳаммаёқни қиздирмоқда. Бригада даласида иш қизғиндек сезилади. Ундан ортиқ киши навбатма-навбат дурбинга тикилиб, чизиқларни аниқлаш билан овора. Колхозчилардан бири режа симини картанинг нариги томонига узатаяпти.

— Неча гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилди? — сўради бригада бошлиғи ўртоқ М. Шералиевдан.

— Ҳали квадрат-уялаб чигит экишга киришганимиз йўқ, бугун бошламоқчимиз, — жавоб берди у.

— Колхоз идорасидаги сводкада 28 гектар майдонга квадрат-уялаб чигит экилди, деб ёзилган-ку, — таажжубландик.

Бригада бошлиғи ва табелчи П. Пўлатов бир-бирларига тикилишиб олди ва «биз бундай сводка берганимиз йўқ, идорадагилар ўзларича ёзишиб қўйгандир» деб ажабланишди.

— Қорасув ёнидаги 13 гектарли картага экkан квадратингиз-чи? — гапга аралашди колхоз агрономи ўртоқ А. Асилов.

Бригада бошлиғи агрономнинг «изоҳ»ини тан олмади. Агроном хижолат бўлганидан «секретарь аванс тариқасида ёзиб қўйибди, хатомизни тўғрилаймиз» дея айбни яширишга уринди.

Афсуски, фақат Шералиев бригадасидагина эмас, «Ленинизм» колхозининг деярли кўпчилик бригадасида квадрат-уялаб чигит экилмаса ҳам қалбаки маълумот бериш кайфияти авж олган.

Колхоз секретари ўртоқ Ҳ. Баётов сводкада ўртоқ А. Қорабеков бошлиқ бригадада 30 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилганини қайд қилиб қўйибди.

Колхознинг ўртоқ Қорабеков бошлиқ бригадасидамиз.

— Квадратлар тўғри чиқаётирми? — сўради раис дала мудири ўртоқ Қ. Ўразимбетовдан.

— Ҳа, тўғри чиқаяпти,—деди у. Атрофдагилар унинг сўзини тасдиқлашди. Аммо текшириш натижасида бу тўғри эмаслиги аниқланди.

Биз бригадада бўлганимизда буни кўзимиз билан кўриб ишондик. Тракторчи Т. Тўрабоев, Ф. Додаматов ўртоқлар тор қаторлаб чигит экибдилар-у, бригада бошлиғи А. Қорабеков, табелчи Ф. Аширқулов ўртоқлар «квадрат шу ерда» деб туриб олишди. Агроном ўртоқ А. Асилов текшириб кўрганидан кейин бригада бошлиғи квадрат экмаганига иқрор бўлди. Бригада бошлиғи юқоридан берилган планга амал қилмай, дала мудири ўртоқ Қ. Ўразимбетовнинг «квадратни қўйиб туринг, чигитни қаторлаб экаберинг» деган буйруғига асосланибди. Ўртоқ Т. Тўрабоев ишлаётган трактордаги сеялканинг сошниги бузуқ. Чигитни сочиб, сифатсиз экаяпти. Кўп қаторларда чигит юза экилган, кўмилмай ер бетида қолган. Қаторларнинг кенглиги ҳам бир хилда эмас. Бир қаторнинг оралиги 57 сантиметр бўлса, бошқа қаторнинг оралиги 76 сантиметрга тўғри келади.



**АГРОНОМ: — Кўраяпсизми ўртоқ вакил, ерларимиз шунақа, паст-баландликдан иборат, шунинг учун бу ерларга асло квадрат-уялаб экиш мумкин эмас...**

А. Холиқов чизган расм.

Ўртоқлар Р. Раҳмонов бошлиқ бригадада ҳам шундай манзарага дуч келдик. Бригада бошлиғи «ерларимиз бўлтак-бўлтак, квадрат экиб бўлмайди» дейди. Ваҳоланки, квадрат-уялаб экиш учун ажратилган 18 гектарлик катта картага қаторлаб олдий усулда чигит экиб юборилган. Ўртоқ Ҳ. Асатуллаев бригадасида ҳам аҳвол ана шундай.

Колхоз раҳбарлари (раиси Т. Тожибоев, партия ташкилотининг секретари Ш. Пўлдошев, агрономи А. Асилов ўртоқлар) 450 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш, 800 гектар майдондаги ғўзани икки томонлама парвариш қилишни планлаштирганлар. Улар ўзлари тузган ишнинг тескарисини қилаяптилар. Сводкада 160 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилгани кўрсатилган бўлса-да, амалда 67 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилгани маълум бўлди. Колхоз раҳбарларининг квадрат-уялаб чигит экишга нотўғри муносабатда бўлаётганликлари район партия комитети томонидан кўрсатиб ўтилган эди. Афсуски, камчилик бартараф қилинмади, колхоз раҳбарлари кўзбўямачилик қилиб, алдамчилик йўлига ўтдилар.

Колхозда тўла гектар учун кураш фақат оғизда, холос.

Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинизм» колхози раҳбарларининг танқиддан нотўғри хулоса чиқариб, кўзбўямачилик қилаётганликларини қандай баҳолаш керак? Сводкада кўрсатилган квадратлар қани?

**Ш. КУЗАНБОЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.**

# СОВЕТ-СОМАЛИ ҚУШМА АХБОРОТИ

Сомали ҳукуматининг таклифига мувофиқ, СССР министри М. А. Лесечко бошчилигидаги Совет Иттифоқи яхши ният миссияси апрель ойининг биринчи ярмида Сомалида бўлди.

Миссия аъзоларининг Сомали давлат арбоблари билан суҳбатлари вақтида ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги масала, мустамлакачиликни тугатиш масаласи, тинч-тотув яшаш проблемаси ва жаҳон миқёсидаги янги конфликт хавфининг олдини олиш учун бутун чораларни кўриш зарурлиги масаласи каби муҳим халқаро проблемалар юзасидан ҳар иккала томоннинг фикри бир хил эканлиги аниқланди.

Ҳар иккала томон Сомали Республикаси билан СССР ўртасида иқтисодий, савдо-сотиқ ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришнинг бундан кейинги йўллари тўғрисида фикр олишди. Сомали ҳукумати Совет миссиясининг бошлиғига мактуб топширди. Бу мактубда Совет ҳукуматига мурожаат қилиниб, иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатиш ҳамда Совет ҳукуматининг енгил шартлар билан узоқ муддатли кредит бериш расмий илтимос қилинган.

Совет томони айтдики, Совет ҳукумати Сомали Республикаси билан иқтисодий ва техника ҳамкорлигини ривожлантиришга принцип жиҳатидан ижобий тарзда қарайди ва Сомали томонининг шу ҳақдаги истагини яхши ният билан қараб чиқади.

Ҳар иккала томон бамаслаҳат яна шундай фикрга келдиларки, савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантириш ва яқин орада савдо битимини тузиш ҳар иккала томоннинг манфаатларига мувофиқ бўлур эди. Ҳар иккала томон, бундан ташқари, маданий алоқаларни ривожлантириш тўғрисида яқин вақт ичида битим тузиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида бамаслаҳат бир фикрга келдилар.

Совет миссиясининг бошлиғи Сомали Республикасининг бош министри Абдирашид Али Шермаркка яхши ниятдаги Сомали миссиясига бош бўлиб Совет Иттифоқига келишни Совет ҳукумати номидан таклиф этди. Бу таклиф қабул қилинди. (ТАСС).

# БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XV СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК, 22 апрель. ТАСС мухбири Г. Шишкин хабар беради: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бугун тунги ялпи мажлисида Қўшма Штатлар томонидан Кубага қарши қилинган ва бутун дунёда тинчликни сақлашга хавф туғдираётган агрессив ҳаракатлар тўғрисида Куба революцион ҳукуматининг шикоятини муҳокама қилиш тамом бўлди. Бу масалани ўн мажлисда муҳокама қилган Сиёсий комитетнинг докладчиси комитетнинг иш натижалари билан Бош Ассамблеяни таништирганидан кейин, овоз бериш важлари тўғрисида Куба ташқи ишлар министри Р. Роага сўз берилди.

Рауль Роа айтдики, менинг делегациям Латин Америкаси мамлакатларининг «Қўшма Штатлар ва унинг НАТО ҳамда СЕАТОдаги иттифоқчилари томонидан қўллаб-қувватланган» резолюциясига қарши овоз беради. Бу резолюцияда, деб таъкидлади Роа, Кубага қарши агрессия тўғрисида ҳеч ғап айтилмайди ва янги агрессия учун замин тайёрланади, чунки резолюция бу масалани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарамоғидан олиб, Америка давлатлари ташкилоти ихтиёрига топширишни таклиф этади. Куба ташқи ишлар министри дарғазаб бўлиб айтдики, Қўшма Штатларнинг агрессив ҳаракатлари тинчликка хавф туғдиради ва бу масала Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қараб чиқилиши лозим.

Бир қанча делегациялар ва, аввало, Совет Иттифоқи делегациясининг бошлиғи В. А. Зорин овоз бериш важлари юзасидан сўзлаган нутқларида Куба революцион ҳукуматининг позициясини кескин қувватладилар. Қўшма Штатларнинг агрессив ҳаракатлари тўғрисида Куба революцион ҳукуматининг шикояти, деди В. А. Зорин, Сиёсий комитетда тўла тасдиқланди. Сиёсий комитетда Қўшма Штатларнинг ўз территориясида, шунингдек Гватемала ва Никарагуа территориясида агрессияга тайёргарлик кўрганлигини исботлайдиган ва рад этиб бўлмайдиган фактлар келтирилди.

Қўшма Штатларнинг ҳаракатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини бузади ва бутун дунёда тинчликни хавф остида қолдиради. Америка ҳукумати Кубага очиқдан-очиқ таҳдид қилиш билангина қолмай, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ҳаракатлари билан ҳам Кубага қарши янги агрессив планлар тузганлигини исботлади. Қўшма Штатлар ўз территориясининг Кубага қарши қаратилган ишлар учун бўшатиб беришни тақиқловчи моддага қарши овоз берди. Бу билан Қўшма Штатлар ҳукуматининг Кубага қарши агрессияни давом эттириш ниятида эканлиги исбот қилинди. Қўшма Штатларнинг бундай позицияси, деб уқтириб ўтди В. А. Зорин, бундан кейинги воқеалар ва дунёнинг тақдири учун жиддий ташвиш туғдиради.

В. А. Зорин сўзининг охирида айтдики, Мексиканинг резолюция лойиҳаси минимум тадбирларни ўз ичига олади ва совет делегацияси бу лойиҳани ёқлаб овоз беради. Латин Америкаси мамлакатларининг резолюцияси эса, бунинг аксича, агрессия қурбонларининг манфаатларига хилофдир. Бу резолюциянинг қабул қилиниши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг конкрет қарорлар қабул қилишдан бўйин товлаганлигини кўрсатган бўлур эди. Бу масалани Америка давлатлари ташкилотига ҳавола қилиш мутлақо нотўғридир, чунки агрессорнинг бу ташкилотда кучли таъсири бор. Шу сабабли, деди В. А. Зорин, совет делегацияси ана шу резолюцияга қарши овоз беради ва бу резолюцияни рад қилишга даъват этади.

Моддама-модда овозга қўйиш натижасида Латин Америкаси резолюциясининг биринчи моддаси чиқариб ташланди. Бу моддада мазкур масалани Америка давлатлари ташкилотига ҳавола қилиш тўғрисида гапирилади. Биринчи модда мустасно қилинган ҳолда, бутун резолюция 59 овоз билан қабул қилинди. 13 делегация бу резолюцияга қарши овоз берди ва 24 делегация овоз бериш вақтида бетараф қолди. Мексика резолюцияси овозларнинг зарур кўпчилигини ололмаганлиги сабабли қабул қилинмади. 41 делегация бу резолюцияни ёқлаб овоз берди, 35 делегация қарши овоз берди, 20 делегация овоз бериш вақтида бетараф қолди.

Бош Ассамблея ваколатларни текширувчи комитетнинг докладини бир овозга қарши 87 овоз билан тасдиқлади.

Бешинчи комитетнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конгодаги операцияларига бўлдиган харажатларга пул чиқариш ва шу ҳақдаги сметани кўзда тутган резолюцияси муҳокама қилинган вақтда Бош Ассамблеяда қизғин бахслар бўлди. Кўп делегациялар бу резолюцияга қарши эътироз билдирдилар. Совет Иттифоқининг вакили А. А. Рошчин ана шу операцияга маблағ чиқаришнинг мавжуд тартиби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига хилофдир ва шу сабабли совет делегацияси бу резолюцияга қарши овоз беради, деди. Бешинчи комитетнинг резолюцияси овозга қўйилиши натижасида дастлаб етарли кўпчилик овозга эга бўлмади ва қабул қилинмади. 45 делегация уни ёқлаб овоз берди, 25 делегация қарши овоз берди ва 27 делегация овоз бериш вақтида бетараф қолди.

Шундан кейин совет вакили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ бу масалани Хавфсизлик Кенгашига ҳавола қилишни таклиф этди. Совет вакили бу баҳс Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг якдил иш кўриши натижасидагина ҳал этилиши мумкин деб таъкидлади. Яна бир қанча таклиф киритилганидан кейин, Қўшма Штатларнинг вакили найранг ишлатиш йўлига ўтди. У, раиснинг қўллаб-қувватлаши билан бу масалани танаффусдан кейин муҳокама қилишни талаб этди. Бу танаффусдан бир қанча делегациялар билан тил бириктириб олиш учун фойдаланилди.

Бунинг натижасида бир неча соатдан кейин Покистон вакили БМТнинг Конгодаги операцияларига пул ажратиш тўғрисидаги резолюция юзасидан Бош Ассамблеянинг қарорини қайтадан кўриб чиқишни таклиф этди. Покистон вакили жуда кам взнос тўлаётган давлатларнинг харажатларини беш процент камайтиришни кўзда тутган тузатиш киритди. Ана шундай найранг натижасида Бош Ассамблея бешинчи комитетнинг ҳали яқиндагина рад этилган резолюциясини Покистоннинг тузатиши билан қабул қилди. 54 делегация бу резолюцияни ёқлаб овоз берди, 15 делегация қарши овоз берди ва 23 делегация овоз бериш вақтида бетараф қолди.

Ялпи мажлиснинг охирида Бош Ассамблея Кореяни бирлаштириш масаласи каби ҳал этилиб битмай қолган масалаларни Бош Ассамблеянинг навбатдаги XVI сессияси муҳокамасига қўйишга қарор берди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессияси 22 апрель Нью-Йорк вақти билан эрталаб соат 6 дан 5 минут ўтганида ўз ишини тамомлади.

# *ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА*

## Н. С. Хрушчевнинг жавоб мактуби ҳақида чет эл газеталарининг ёзганлари

ҚОҲИРА, 23 апрель. (ТАСС). Бугунги газеталарнинг ҳаммаси АҚШ президенти Ж. Кеннедига СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев жавоб мактубининг батафсил баёнини энг кўзга кўринарли жойларда катта-катта сарлавҳалар остида босиб чиқарганлар.

«Алаҳром» газетаси «Хрушчев Кубага нисбатан тутаётган сиёсати ҳақида Кеннедини огоҳлантириб қўйди» деган сўзларни сарлавҳага чиқариб берган.

Ҳамма газеталар Н. С. Хрушчев ўз мактубида Кеннедини АмерикаННнинг ҳозирги ташқи сиёсатини қайта кўриб чиқишга даъват этган ва Кубага қарши қилинган ҳамда барбод бўлган интервенция учун бевосита жавобгарлик Қўшма Штатлар устига тушади, деган гаплар айтилган жойларини бўрттириб бермоқдалар.

ВАРШАВА, 23 апрель. (ТАСС). Президент Кеннедига ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг юборган жавоб мактуби Польшада ҳамманинг диққат марказида турибди. Бу мактуб радио ва телевидение орқали эшиттирилди ва шарҳланди. «Трибуна люду» газетаси Н. С. Хрушчевнинг мактубини тўлиқ босиб чиқарди. «Жиче Варшава» газетаси шу мактубдан катта-катта парчалар олиб босди.

«Жиче Варшава» газетаси ўз шарҳларида бундай деб ёзади:

Бош министр Хрушчев Кубага қилинган ҳужумга бутун дунёни ғазаблантирган жиноят деб баҳо бермоқда. Газета Н. С. Хрушчев жавобидаги АҚШ ҳукумати Кубада шундай «эркинлик» ўрнатишга интилмоқдаки, бундай «эркинликда» бу мамлакат ўзининг анча кучли қўшнисининг ноғорасига ўйнайдиган, чет эл монополиялари эса Кубанинг миллий бойликларини яна талаб, Куба халқининг қони ва пешона тери эвазига бойлик орттирган бўлур эдилар, деган жойларини босиб чиқарган.

Хрушчев, деб давом қилади газета, Совет ҳукумати Кубада ҳеч қандай манфаат ёки имтиёзлар қидириш ниятида эмаслигини АҚШ президентига эслатиб қўймоқда. СССРнинг Кубада ҳеч қайдай базалари йўқ ва бундай базаларни вужудга келтириш ниятида ҳам эмас.

Бироқ, деб уқтириб ўтади газета, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Совет Иттифоқи билан бевосита чегарадош бўлган ва ҳукуматлари оқилона бўлмаган сиёсатни ўтказаётган айрим мамлакатлар Америка ҳарбий базаларини жойлаштириш учун ўз территорияларини бериб қўйдилар, бу базалар эса Совет Иттифоқига қарши қаратилганлиги ҳар бир кишига равшандир, деган сўзлари фактдир.

«Трибуна люду» газетаси ўртоқ Н. С. Хрушчев жавобидаги, эндиликда, XX асрнинг иккинчи ярмида мустамлакачиларнинг босқинчилик аҳлоқига бундан буён амал қилиш мумкин эмас, деган жойларини уқтириб ўтмоқда. Бугунги кунда ҳамма киши мустамлака системаси қандай емирилаётганлигининг ва йўқолиб бораётганлигининг гувоҳидир.

ФУТБОЛ

## КИЧИК ҲИСОБ БИЛАН

Мамлакат биринчилиги учун «Б» классида ўйнаётган Тошкентнинг «Старт» командаси билан «Кобетдоғ» (Ашхобод) футболчилари ўртасидаги ўтган якшанба куни бўлган учрашув тошкентликлар фойдасига 1:0 ҳисоби билан тугади. Лекин бу ғалаба «Старт» стадионига тўпланган тамошабинларни хурсанд қилмади. «Старт» футболчилари, айниқса ҳужумчилар яхши ўйнамади. Тоғаев, Стрельников, Науменколарнинг ҳаракати сира қовушмади. Натижада уларнинг ҳужуми дарвоза яқинида барҳам топаверди. Ўйиннинг 37-минутида Ятченконинг узоқдан секин тепган тўпи меҳмонлар дарвозабонининг эътиборсизлиги туфайлигина тўрга кирди. Тошкентликлар жуда кўп имкониятлардан фойдалана олмадилар.

**Редактор М. ҚОРИЕВ.**


**ТОШКЕНТНИНГ ТАЛОША ЗАЛЛАРИДА**

**ТЕАТР**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/IV кеч соат 8 да **Ленин орденли СССР Давлат академик Большой театр артистларининг ижодий рапорти.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/IV да **Фурқат**, 26/IV да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/IV да **Олтин қидирувчилар.**

**КИНО**

**Саккизинчи эшик** (кундуз ва кечқурун), **Намунали йигитлар** (эрталаб соат 11 ярим ва кеч 7 да) — «ВАТАН».

**Генерал делла Ровере** — «МИР», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

**Довулдан кучли** — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

**Болохонали уй** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

**Булутли тонг** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 5 да).

**Ташкилот, корхона, муассаса ва гражданлар диққатига!**

**„ГУЖТРАНС" КОМБИНАТИ**

**БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ, ЁҚИЛҒИ, МЕБЕЛЬ, АХЛАТ ВА ҲОКАЗОНИ**

от-улов транспортида

**ташиш учун**

**ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қорасарой кўча, 322-уй. Телефон—41-185.

**СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 28, 29, 30 апрелда**

**КОНЦЕРТЛАР**

1-бўлимда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Қундуз Миркаримова**, Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Тамара Юнусова, Отажон Ражабов**лар қатнашади.

2-бўлимда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** Хоразм достонларидан парчалар ижро этади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Гунафша кўча, 11-уйда турувчи **Акбар Зуҳурович Алиев**нинг Қизил товуш кўча, 26-уйда турувчи Соҳиба Воҳидовна Алиева (Латипова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

1-Гончаров кўчаси, 36-уйда турувчи **Ҳамид Зоҳидов**нинг шу уйда турувчи Қутби Нуриддиновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Оржоникидзе район, Чинобод қишлоқ совети, «Сталинград» колхозида турувчи **Мактуба Каримова** (Ёқубова)нинг Дўрмон қишлоқ советида турувчи Муҳит Каримовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Оржоникидзе район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Фрунзе районидаги **126-ЎРТА МАКТАБ**

28 апрель кеч соат 7 да **мактабни тамомлаб чиққан ўртоқлар билан**

**традицион учрашув**

**КЕЧАСИ ЎТКАЗАДИ**

Мактабнинг адреси: Чилонзор кўча, 158-уй.

**«Главголодностепстрой»нинг ЁҒОЧСОЗЛИК КОМБИНАТИ ГРАЖДАНЛАРГА**

ҳар қанча миқдорда арзон баҳода

**ЎТИН СОТАДИ**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Жомий кўча, 229-уй (10-автобуснинг охирги «Док» остановкаси).

Киев кўчаси, 5-уйда турувчи **Рудольф Тимофеевич Киселёв**нинг шу уйда турувчи Надежда Павловна Субратовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Оржоникидзе район, Сталин қишлоқ совети, Байиткўрғон қишлоғида турувчи **Турсунбой Аҳмаджоновнинг** Қибрай қишлоқ, Киров кўчаси, 70-уйда турувчи Сайлигул Замоновна Аҳмаджоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

**Редакциямизнинг АДРЕСИ**

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 136, Совет қурилиши бўлими — 136, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими —29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат 34808, 115 Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 00844

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Нашр. В. 1583.